

9 МАЙ - ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



Қонунчилек ва ҳуқуқ-тартибот учун!

# ПОСТГА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

• Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри •

2005 йил 5 май, пайшанба

• 18 (3599)-сон

## ҲАМИША ОМОН БҮЛИНГ

Инсоният тарихидаги энг суронли урушнинг якунланганлигига 60 йил тўлди. Унда қатнашиб, келажак авлодларнинг ёрқин ва баҳтли яшаш ҳукуқини сақлаб қолганларнинг жасорати мангутир.

Барча ички ишлар идоралари ходимларини, тълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларини, тингловчи ва курсантларини, Ички ва Коровул кўшинлари ҳарбий хизматчиларини, республика ИИВ тизимлари хизматчиларини, фахрийларини, хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларини 9 май - "Хотира ва қадрлаш" куни ҳамда 1941-1945 йиллардаги урушда қозонилган

галабанинг 60 йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этаман.

Ватанимиз мустақиллиги, осойишталиги ва тинчлиги йўлида ўз ҳаётини курбон қилганларнинг ёрқин хотираси қалбларимизда мангур яшайди.

Фахрийларимизни эъзозлаш, уларнинг ёшларни Ватанга ва халқимизга садоқат руҳида тарбиялашда кўмак берәтган ҳаётий тажрибасини қадрлаш ҳамиша бурчимиз бўлиб қолади. Бу кутлуг кунда барчангизга мустаҳкам соглик, узоқ умр, оиласиб бахт-саодат тилайман.

З. АЛМАТОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазири, генерал-полковник.

## МАНГУ ОЛОВ ОЛДИДА

Уларни кўпчилик яхши билади, хизматларидан ўрнак олишади, тажрибаларидан фойланишади. Суронли жанглардан омон қайтган бу инсонлар кейинги тақдирларини ҳам ички ишлар соҳаси билан боғлашди. Истевфодаги полковник М. Ҳошимов (ўртада) ва подполковник Х. Измайлова (ўнгда) фронтдан қайтгач, ўз фаолиятларини бошлашган бўлса, истевфодаги подполковник Н. Хабаров эса уруш йиллариданоқ ҳуқуқ-тартибот посбонлари қаторида эди.

Мана, хизмат йиллари ортда қолганига қарамай, фахрийлар ҳамон сафда. Уларни тез-тез бирга кўриш мумкин. Ҳаётлардаги тарихий сана - иккичи жаҳон урушида қозонилган 60 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш куни арафасида Мотамсаро она ҳайкали олдида ўзаро учрашиб турганлари ҳам чукур рамзий маънога эга.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.



Ҳикмат излаганга ҳикматидир дунё

Хотира:

Ҳар баҳорда титрайди юрак,  
Юракларга қаноат берсин.

Қадрият:

Ҳар юракда гуллайди меҳр,  
Мевасини авлодлар терсин.

«Мостда» дагестонининг шаҳарини  
**УСАИДИНСОН**  
+ HAYRATOMUZ VOQEALAR,  
BOLAJONLAR SAHIFASI,  
MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,  
HAJViya, XANDALAR,  
SPORT YANGILIKLARI,  
INTERNET XABARLARI.

УШБУ СОНДА:

ДУНЁ ҲАФТА  
ИЧИДА

3

ИНСОН ХОТИРАСИ АЗИЗ,  
ҚАДРИЯТИ БАЛАДА

4

УРУШНИНГ БОШИДАН  
СҮНГГИ КУНИГАЧА

19

ОЛИЙ ТУЙҒУДАН  
БЕНАСИБ

21

КУМГА СИНГГАН

ЖЎЗЕЙИЛ 23

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар



## ЮКСАК ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

Ўтган йили мамлакатимиз Президентининг Фармони ва ҳукуматимиз Қарорига мувофиқ республика ИИВ Академиясида Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курслари ташкил этилгани, унинг биринчи қалдирғочлари мустақил ҳаётга йўлланма олишганидан кўпчиликнинг хабари бор.

Бундан бир ой олдин касбий ва жанговар тайёргарлик синовларидан мұваффакиятли ўтган курсантлар ушбу Олий курсга қабул килинганди. Улар ўтган вақт мобайнида ИИВ Академияси ҳарбий дала ўкув марказида жисмоний ва жанговар тайёргарликдан ўтишди ҳамда малакали ўқитувчилардан мутахассисликка кириш бўйича сабоқ олишди. Куни кеча ушбу Марказда курсантларнинг қасамёд қабул қилиш маросими ўтказилди. Эрталабданоқ тантанада иштирок этиш учун ИИВ Академияси курсантлари, уларнинг ота-оналари, яқинлари, ўқитувчилар ҳамда бошқа масъул раҳбарлар йиғилишиди.

Маросимни ИИВ Академияси бошлиғи, полковник X. Зокиров кириш сўзи билан очди ва курсантларни табриклаб, ҳукуматимиз ҳамда Ички ишлар вазирлиги томонидан билдирилган юксак ишончни оқлашларига умид билдириди.

Курсантлар қасамёд қабул қилиб бўлганларидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник А. Шарафутдинов уларни самимий кутлади.

– Юртимиз осойиштарилиги ва хавфсизлигини сақлашда, жиноятчиликка қарши кураш ҳамда фуқароларнинг ҳукукий маданиятини оширишда сержантлар таркибининг аҳамияти катта-

дир. Шу маънода Президентимиз ва Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти сизларга катта ишонч билдирган. Қонунчилик ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда, касб маҳоратингизни намоён этишда, ўқишлоғизда омад ёр бўлсин, – деди ўз нутқида.

ИИВ Академияси профессор-үқитувчилари номидан полковник Д. Юсупов, ота-оналардан андижонлик Ф. Муродова курсантларга мұваффакиятлар тилашди. Курсантлар номидан сўз олган А. Аскarov билдирилган ишончни оқлаш учун бор куч ва билимларини аямасликка вайда берди. Шундан сўнг курсантлар тантанали марш садолари остида сафдан ўтишиди.

Энди курсантлар назарий билимлар олиш билан бирга ИИВ Академиясида амалий машгулолларда иштирок этишади. Айтиш жоизки, Олий курсдаги таълим такомиллашиб боряпти. Курсантлар аввалги битириувчилардан фарқли улароқ, етти йўналиш – йўл-патруль, пост-патруль, кўриқлаш, ёнгин хавфсизлиги, хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш, жазони ижро этиш ҳамда профилактика хизматлари бўйича амалий тажриба орттирадилар. Келажакда уларни пухта ҳукукий билимли, жисмонан бақувват, юксак маневиатли ишлар ходими бўлишдек масъулиятли касб кутмокда.

**Қобилжон ШОКИРОВ.**  
Суратларда: тантанадан лавҳалар.  
Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.



## ФАХРИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Иккинчи жаҳон урушининг суронли йилларида жанггоҳларда жон олиб, жон берган, қон кечган фахрийларнинг хотиралари, кўрган-кечиргандар қалбда ўчмас из қолдиради. Гарчи орадан олтмиш йил вақт ўтган бўлса-да, у кунлар ёди унтилмаган.

Навоий вилояти Ички ишлар бошқармасида ўтказилган “Марифат дарси” ҳалқимизнинг кутлуғ байрами – Хотира ва Қадрлаш кунига бағишиланди. Тадбирга бир гурӯх уруш ва меҳнат фахрийлари таклиф этилдилар.

– Бизнинг ёшлигимиз урушга тўғри келди, – деди учрашувда сўзга чиқкан Эргаш ота Нурманов. – Айни куч кувватга тўла давримиз жангу жадал ичиди ўтди. Қанча яқинларимизни йўқотдик. Урушни биз кўрдик, илоҳим, сизлар кўрмандар...

Тадбирда кўксини орден-медаллар безаб турган фахрийлардан Николай Дерягин ва Егор Возисов ҳам сўзга чиқдилар. Уларнинг оловли йиллар ҳақидаги хотиралари кишини бефарқ қолдирмайди.

– Галабага бўлган ишонч, Ватан ва ҳалқ меҳри бизга далда бўлди, – дейишиди фахрийлар.

Албатта, урушдан кейинги оғир даврда ички ишлар тизимларида хизмат қилиш осон кечмаган. Жанггоҳлардан ярим жон бўлиб қайтган Егор Савельевич буни яхши билади. Бу метин иродада соҳиби яна кўп йиллар ички ишлар идораларида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилган. Айни

пайтда унинг кўплаб шогирдлари устоз изидан бориб, эл осойиштарилиги йўлида фаолият олиб бормоқда. Николай Константинович эса Навоий шаҳар ички ишлар бўлимининг биринчи раҳбари сифатида эътиборга лойик. Тадбир қатнашчилари уларнинг ҳаяжонли хотираларини қизиқиб тингладилар. Мароқли ўтган учрашув сўнгидага фахрийларга иззат-икром кўрсатилиб, гулдасталар тақдим этилди.

– Кексаларимизнинг босиб ўтган умр йўли ёшлар учун ибрат мактаби, – деди тадбир якуннада бошқарма бошлиғининг ўринбосари, полковник К. Раҳматов. – Афсуски, уруш кўрган кексаларимиз сафи озайиб бормоқда. Уларга ҳар қанча хурмат-эътибор кўрсатсан кам.

Дарҳақиқат, фахрийлар – юрт фахри. Уларнинг бой ҳаёт тажрибаси ёш авлод учун ҳамиша намунадир.

**Нигора РАҲИМОВА,**  
капитан.

Наманган шаҳар иштирокчилигидан доимий яшаш манзилларидан узоқ муддатга чиқиб кетган фуқароларни аниқлаш, қидириш ва уйларига қайтариш бўйича ишларни ташкил этишга багишиланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Уни вилоят ҳокими И. Нажмиддинов олиб борди. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, гурӯх раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, жамоат ташкиллари, профилактика инспекторлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган йиғилишда дастлаб вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, полковник А. Усмонов маъруза килди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳукукий онгини ошириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки, ўз ҳақ-ҳукуқ ва мажбуриятларини тўлиқ тушуниб етмай ижобий натижага

эришиб бўлмайди. Афсуски, бу борада етарли тушунчага эга бўлмаслик кўп ҳолларда қонунбузилишларга сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда вилоятда яшаш жойларини узоқ муддатга ташлаб кетган фуқаролар 10 минг нафардан ортиди.

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Уларнинг қаерда эканлигини ҳеч ким билмайди. Айрим фуқаролар бошқармаси инспекторлардан жиноятларга кўшилиб қолишлари оқибатида қотиллик, ўғрилик, босқинчилик жиноятларини содир этиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Бу борада жойлардаги профилактика инспекторларининг фуқароларнинг ҳукукий онгини ошириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки, ўз ҳақ-ҳукуқ ва мажбуриятларини тўлиқ тушуниб етмай ижобий натижага

## БАЙРАМ МУБОРАК, ДЎСТЛАР!

Хотира ва Қадрлаш куни арафасида республика ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор F. Раҳимов номига Россия Федерацияси фахрийлар ташкилотидан табрик хати келди.

Россия ички ишлар идоралари ва Ички кўшиллар Фахрийлар кенгаши раиси, ички хизмат генерал-полковники И. Шилов байрам билан кутлар экан, жумладан шундай ёзади: “Ота-боболаримиз жанг майдонларида ва фронтида елкама-елка туриб, бир-бирларини кўллаб-куватлаб, мардлик намуналарини кўрсатдилар. Хар икки мамлакатда ушбу машъум уруш даҳшатларини бошидан кечирмаган, фронтида қон кечиб келган ёки урушдан қайтмаган яқинларини ёдга олмаган бирорта оила топилмаса керак”, дейилади мактубда. Хат ички ишлар идоралари фахрийлари ва уларнинг шарафли ишини давом эттираётган авлодларни кутлугай ём билан табриклаш орқали яқунланган.

## АКАДЕМИЯДА АНЖУМАН

Мамлакатимизда 2005 йил Сиҳатсаломатлик йили деб эълон қилингани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида анжуман бўлиб ўтди. Унда ИИВ Тиббиёт бошқармасининг етакчи мутахассислари ва республика Соғликни сақлаш вазирлигининг олимлари ишиди.

“Соф танда – соғлом ақл” мавзуидаги ушбу тадбирда йиғилганларга хозирги кунда улкан муаммолардан хисобланган гиёҳвандлик, ОИТС ва тери-таносил қасалликлари тўгрисида маълумот берилди. Мазкур қасалликларнинг юқиши йўллари, тарқалиши, асоратлари ва улардан химояланишининг оддий усуслари кўргазмали воситалар ёрдамида ёритилганлиги барчанинг эътиборини жалб этди.

Анжуман қизиқарли савол-жавоблар билан якунланди.

**Чори САИДОВ,**  
подполковник.

**Обид МИРТУРСУНОВ,**  
подполковник.

қанлар жойларда бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирдилар. Бугунги кунда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари томонидан ўтказилаётган “Меҳнат ярмаркалари” самардорлигини ошириш зарурлиги, корхона ва ташкилотлар томонидан таклиф этилаётган иш ўринлари етарли эмаслиги таъкидлаб ўтди.

Вилоят прокурори M. Салихов аҳолини иш билан ташкилотларни масаласи, бошқармаси инспекторларининг фуқароларнинг ҳукукий онгини ошириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Айрим фуқаролар бошқармаси инспекторларининг гурухларга кўшилиб қолишлари оқибатида қотиллик, ўғрилик, босқинчилик жиноятларини содир этиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Бу борада жойлардаги профилактика инспекторларининг фуқароларнинг ҳукукий онгини ошириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки, ўз ҳақ-ҳукуқ ва мажбуриятларини тўлиқ тушуниб етмай ижобий натижага

эришиб бўлмайди. Афсуски, бу борада етарли тушунчага эга бўлмаслик кўп ҳолларда қонунбузилишларга сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда вилоятда яшаш жойларини узоқ муддатга ташлаб кетган фуқаролар 10 минг нафардан ортиди.

Йиғилишда республика Ички ишлар вазирлиги молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи, полковник Ў. Аҳмедов иштирок этиб, кўрилган масалалар бўйича ўз-фирқа муроҳазаларни билдириди.


**Фурқат МАМАЖНОВ,**  
майор.

# ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



## САЙЁХЛАР ВАҲИМАГА ТУШИШМАДИ

Мисрда террорчилик ҳаракатлари содир этилиши ҳақида олдиндан хабар топишган эди. Истроиллик сайёхлар фиръавнлар юргига бориш хатарли эканлиги тўғрисида огоҳлантирилди. Аммо улар чўчишмади. Қоҳирада иккита кўпурвчилик юз берган 30 апрель куни Мисрда 15 мингга яқин истроиллик сайёх бор эди. Улар пасха таътилларида дам олгани келишганди.



ташкилот билан даҳлдорлиқда гумонланиб 200 га яқин киши хибсга олинди.

## РАШК УСТИДА

Баъзан эр киши рашк туфайли, бунинг устига маст ҳолда қандай мудҳиш жиноятлар қўл урмайди дейсиз. Ангарск шахрида шунинг орқасидан даҳшатли ёнгин келиб чиқиб, оқибатда саккиз киши нобуд бўлди.

Фалокат ярим кечаси юз берди. Аввал биринчи қаватдаги уй ёниб, кейин йўлакка ўт кетди. Воқеа жойига етиб келган Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари маҳсус зиналар ва қурилмалар воситасида 30 кийшини қутқаришга муваффақ бўлишди. Аммо кутқарувчиларнинг барча сайд-ҳаракатларига қарамай уч нафар мактаб ўқувчиси ва беш киши ҳалок бўлди. Мархумларнинг жасадларини зинапоя майдончасидан ва учинчи қаватдаги хонадондан топишиди.

Мазкур кўп қаватли уйда яшовчиларнинг айтишича, ҳаммаси байрам зиёфатидан сўнг рўй берган. 22-хонадонда истиқомат құлувчи киши хотинини бирорга рашк қила бошлаган. Аввал жанжаллашган. Бундан кўнгли тўлмагач, қаёқдантир идишда ёқилғи олиб келган, уни атрофга сепиб, бинога ўт кўйиб юборган.

## ПАСХА КУНИДАГИ ФОЖИА

Россия ҳарбий прокуратураси ўз жонига қасд қилиш ҳолати бўйича жиноят иши кўзғатди. Сабаби, Москва олий ҳарбий кўмондонлик институти курсантини биринчи майга ўтар кечаси ўзини осиб кўди. Бу пайтда у Ногинскдаги ўқув марказида постда турган эди.

Курсантнинг мурдасини хизматдошлари топишиди. Ёнида бундай хатти-ҳаракатини изоҳловчи ҳеч қандай хат йўқ эди. Москва ҳарбий округи ҳарбий прокуратураси вакиларининг айтишича, ҳозирча унинг ўз жонига қасд қилиш сабаблари номаълум.

Маълумотларга қараганда, Россия армиясида ўз жонига қасд қилувчилар сони жанговар ҳаракатлар чоғида ҳалок бўлаётганлардан кўп. Ўтган иили ҳарбийларнинг 900 нафари турли жиноятлар ва баҳтсиз ҳодисалар туфайли нобуд бўлган эди. Жорий йилда мазкур кўрсаткич юздан ошиб кетди. Биргина апрель ойининг ўртасида Саратов вилоятида тўрт нафар муддатли ҳарбий хизматчи ўзини осиб қўйганди. Улар шу йил баҳорда хизматни тутагиб, захирага бўшатилишлари керак эди.



Янги йил кечаси РФ ИИВ Баш клиник шифохонасида ҳам бир аскар ўз жонига қасд қилди. Қисм раҳбарияти уни атайлаб мих ютгани, ўз томирини кесишга урингани учун асабларини даволатиш мақсадида мазкур касалхонага юборишган эди.


Маълумотларга қараганда, Россия армиясида ўз жонига қасд қилувчилар сони жанговар ҳаракатлар чоғида ҳалок бўлаётганлардан кўп. Ўтган иили ҳарбийларнинг 900 нафари турли жиноятлар ва баҳтсиз ҳодисалар туфайли нобуд бўлган эди. Жорий йилда мазкур кўрсаткич юздан ошиб кетди. Биргина апрель ойининг ўртасида Саратов вилоятида тўрт нафар муддатли ҳарбий хизматчи ўзини осиб қўйганди. Улар шу йил баҳорда хизматни тутагиб, захирага бўшатилишлари керак эди.

Маълумотларга қараганда, Россия армиясида ўз жонига қасд қилувчилар сони жанговар ҳаракатлар чоғида ҳалок бўлаётганлардан кўп. Ўтган иили ҳарбийларнинг 900 нафари турли жиноятлар ва баҳтсиз ҳодисалар туфайли нобуд бўлган эди. Жорий йилда мазкур кўрсаткич юздан ошиб кетди. Биргина апрель ойининг ўртасида Саратов вилоятида тўрт нафар муддатли ҳарбий хизматчи ўзини осиб қўйганди. Улар шу йил баҳорда хизматни тутагиб, захирага бўшатилишлари керак эди.

## ФАЛОКАТ ДАФ ЭТИЛДИ

Сариқ денгизда сузиб кетаётган Хитой Ҳалқ Республикасига қарашиб ўловчи-юқ паромида ёнгин келиб чикди. Бу ҳақда "Синъхуаван" агентлиги хабар тарқатди. Паром Шандун провинциясининг Янътай портидан Ляонин провинциясининг Далянь шахрига бораётган эди. Унинг бортида 698 ўловчи, 47 нафар экипаж аъзоси ва 68 та автомобиль бўлган.

Ёнгин паромнинг автомобиллар учун мўлжалланган бўлимида юз берди. Фавқулодда ҳодиса ҳақида сигнал олингач, экипаж аъзоларининг ўзлари мустақил равишда ўтни ўчира бошлашди. Тез орада ёнгин назорат остига олинди. Курбонлар ва жабрiddalар ҳақида ҳозирча хабар берилмаяпти.



Апрель ойи охирларида Санкт-Петербургдаги "Шимолий верфь" кемасозлик заводида XXR учун курилаётган ҳарбий кемаларнинг бирида ҳам ёнгин юз берган, бир ишчи ва бир ўт ўчирувчи ҳалок бўлганди.

## ХАВОТИР ЎРИНСИЗ ЭКАН

АКШ Ички хавфсизлик вазирлиги расмий вакили Брайан Роркассенинг айтишича, Президент қарорроҳи атрофи осмонида радиокузатув ишлари олиб борилганида радар экранида доф пайдо бўлган. Операторлар буни ҳукуматнинг ҳаво кенгликларини бузган номаълум самолёт деб ўйлашди.

Илгарироқ Оқ уй матбуоти котиби Скотт Маклеллан ана шу ташвишли сигнал олингач, мамлакат Президенти ва Вице-президенти хавфсизлик нуқтаси назаридан бункерга олиб кирилганини тасдиқлаган эди.

Маҳсус ҳарбий вертолётлар кўрсатилган ҳудудга етиб келганида ҳеч қандай самолёт топилмади, радардаги доф ҳам гойиб бўлган эди.

## ЯНА СУМАТРАДА ЗИЛЗИЛА

Жумага ўтар кечаси Индонезиянинг Суматра оролларида яна кучли ер силкиниши қайд этилди. Зилзиланинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,3 баллга етди. Унинг маркази Медан шаҳридан 260 км ўзоклиқда – Хинд океанида эди.

Маҳаллий ОАВ нинг таъкидлашича, кучли ёмғир оқибатида ўнлаб одамлар тоғ жинслари остида қолишиди. Кўплаб ўйлар вайрон бўлди.

Ўтган иили декабрь ойида юз берган цунамидан сўнг одамлар ўзларига бошпана куриш учун тоғлардаги дарахтларни ёппасига кесишган эди. Энди бунинг оқибатида кўчки юз бериб ўйларни босиб қолди. Индонезияда сўнгги йилларда қайд этилаётган табиий оғатлар бу худуд хавфли сейсмик зона эканлигини яна бир бор исботлаяпти.



## СУВ БАЛОСИ

Бекорга "Ўт балоси, сув балоси, тухмат балосидан ўзинг асрар!" дейшмаган. Россиya бу йил ҳам баҳорги сув тошқинлари бошланди.

Иркутск вилояти Тайшет туманида аҳолини оммавий тарзда хавфсиз ҳудудларга кўчиришга киришилди. Одамларни вертолётларда кутқаришяпти, бедарак йўқолганларни излашяпти. Вилоят ҳукумати вайронагарчиллар кўплиги ҳақида хабар берилмаяпти.



Красноярск ўлкасида ҳам фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Кечаси Енисейнинг ирмоғи бўлган Кача дарёси тўғонни бузгач, сув сатҳи 2 метрга кўтарилди. Бир неча ўнлаб хусусий ўйлар, дала ҳовлилар сув остида қолди. Одамларни кўчириш ишлари бошлаб юборилди. Сув тошқинлари Красноярск шахрига ҳам етиб келди. Аммо аҳоли бошқа жойга кўчишдан бош тортаяпти.

Тюмень вилоятида ҳам ўш аҳвол. Маҳаллий ҳокимият вакилари хавфли ҳудудларда яшовчи аҳолига хавфсиз жойларга кўчишни таклиф қилишяпти. Мутахасисларнинг тахминларига қараганда, сув сатҳи ҳали-бери пасаймайди.

Россиянинг Европа қисмида ҳам сув тошқинлари бошланди. Уфада минглаб аҳоли яшайдиган 400 дан зиёд тураржони сув босди. Табиий оғат Кавказни ҳам четлаб ўтмади. Грузия раҳбарияти ҳатто ёрдам сўраб ҳалқаро ҳамжамиятга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Бу мамлакатда кўплаб кўприклар, йўллар бузилган, электр тармоқлари ишдан чиқсан, экин майдонлари сув остида қолган. Ҳали кучли ёмғирлар давом этиши кутилмоқда.

## ЎЗИГА ХОС «РЕКОРД»

Куни кеча Москвада ўзига хос рекорд ўрнатилди. Гиёхандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши курашувчи ташкилот ходимлари қатор муваффақиятли операцияларни амалга оширишди. Жумладан, 4 нафар токижистонлик фуқаро ушланди, улардан ҳар бирига икки килодан героин солинган 28 та пакет олинди.



РФ Гиёхандлик воситаларининг айланишини назорат қилиш бўйича федерал хизмати матбуот маркази вакилининг хабарига кўра, жиноятчилар заҳри қотилни Одинцово шахрасига олиб бориб, маҳаллий гиёхфурушларга тақсимлаб бериши лозим эди.

"Санкт-Петербург – Самара" поездидаги ҳам милиция ходимлари бир кило героинни олиб ўтишга уринган фуқарони ушлашди. Унинг ёнидан шунингдек 400 г гашиш ҳам топилди. Яқинда ҳам яна шу Самарада бир аёл 2 кг заҳри қотил билан кўлга тушган эди.

Одамзод онгли ҳаёт кечира бошлагандан бўён, ер юзида тахминан ўн тўрт мингдан ортиқ уруш бўлиб ўтган. Қирғинбарот жангларда ҳалок бўлган, майиб-мажрух бўлиб колганларнинг сонини ҳам тахминан айтиш мумкин. Биргина иккинчи жаҳон урушида бевақт ҳаётдан кўз юмғанлар сони кирқ миллионга яқинdir. Урушнинг бу мудхиш асоратларидан ҳамон диллар вайрон. Кимdir отасидан, кимdir жигарбандидан бошқа бирор азиз дўстидан жудо бўлган.

Иккинчи жаҳон урушида республикамиздан жангта отланганларнинг тўрт юз мингдан ортиги мардларча ҳалок бўлди, эл-юрт озодлиги йўлида жонини курбон қилиб, шаҳид кетди, ўн минглаб оиласлар меҳрибон ота, азиз жигарбандидан айрилди. Жанг хатарсиз бўлмайди, албатта. Тарих саҳифаларида урушнинг энг даҳшатли дамларидан юртошларимиз кўрсатган жасорат ва қаҳрамонлари алоҳида қайд этиб ўтилган. Улар Россия, Украина, Белоруссия ва Европанинг яна бир қатор давлатларини бос-кичилардан озод килишда фаол иштирок этдилар. Урушнинг оловли сўқмоқларидан ўтиб, ғалаба кунига етиб келишининг ўзи бўлган эмас. Қишининг қаҳратонли, ёзниг жазирама кунларида қонли жангларда жон фидо қилганлар хотираси қалбимиздан учмайди.

Фронт ичкарисига озиқ-овқат, кийим-бош, курол, ўқ-дори етказиб берганларнинг меҳнатини эсдан чиқариб бўладими, ахир. Кечани кеча, кундузни кундуз демай эрининг, отасининг ўрнига ишлаган аёллар, болаларнинг кўрган оғир кунлари фронтдагилардан қолишмаган. Оналаримиз,

бувиляримизнинг уруш йиллари ҳақида айтганлари ҳақиқат. Ўша оғир дамларда Ўзбекистонга кўчириб келтирилган завод, фабрикаларни тезда жойлаштириб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва фронтга жўнатишда фидойилик қилган юртошларимиз ҳар қанча эъзозга лойиқ меҳнат намуналарини кўрсатишган. Отасиз қолган болаларни ўз бағрига олиб, уларга меҳрибонлик кўрсатган оиласлар номи тарихга зарҳал ҳарфлар билан битилган. Бугун ана шу заҳматкашлар, қадриятизмни улуғ туттганлар

ходимининг ҳаёти ва фаолиятининг ўзи бир тарих. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ички ишлар ходимлари ҳам биринчилар қаторида фронтга отландилар. Жангларда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган кўплаб ходимларга юксак мукофотлар берилди. Мамлакат ичкарисида гарчи ҳамма фронт учун ғалаба учун фидокорона меҳнат қилган бўлса-да, турли ғаламисликлар қилишга уринган айрим нопок кишилар ҳам учарди. Ундан ташқари, завод, фабрикалар ишини бир зум бўлса-да тўхтатиш, одамлар ўртасида таҳлилка ўйғотиш учун душманга ён берган ҳалқ тили билан айтганда, сотқинлик қилганларни аниқлаш, пайини кирқишида милиция ходимлари ўта ҳушёрлик кўрсатдилар.

Уларнинг айримлари жиноятчи шахсларнинг совуқ куролларидан оғир яраланиб, ҳалок бўлдилар. Айниқса, уюшган жиноят-



лашимиз лозим. Улар ҳар қандай эъзозга лойиқ.

Фахрийларимиз орасида ногиронлар, ўзгалар ёрдамига муҳтожлар ҳам бор. Улар ўзларининг навқирон йигитлик дамларини, куч-куватини ички ишлар хизматига багишилар. Ўз саломатлигидан кўра юрт тинчлиги ва осойишталигини саклашни афзал кўриб, соғлигини йўқотган ҳамкасларни йўқлаб туриш ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Хизмат пайтида ҳалок бўлган ички ишлар ходимлари фарзандларининг кўнгли ўксимай вояга етиши, жамиятдан ўз ўрнини топиб олишида кўмаклашиш ички ишлар ходимларининг хайрли ишларидан биридир. Қадриятнинг бу кўриниши айниқса байрамларда, кутлуг кунларда намоён бўлмоқда.

Жамиятта имкон қадар фойдаси теккан, эл-юрт учун фидойилик қилган кишиларнинг хотирасини қалбларда сақлаб, уларнинг номини келажак авлодга етказиш вазифамиздир. Умрини, бутун фаолиятини ҳалқ иши учун сарф этган фидойи кишиларни қадрлаш янада савобли иш эканлигини унутмаслигимиз зарур.

Сафдошлар, ҳамкаслар, дўсту биродарлар, кўйингчи барча инсонларнинг қадрига етиш, уларнинг кўнглини оғритмасдан, яхши муомалада бўлиш керак. Бизни меҳр-оқибат сира тарк этмасин. Навоий бобомиз айтганларидек:

**Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотириш шод айлагай,  
Онча борким, қаъба вайрон бўлса обод айлагай.  
Шуҳрат МУРОДОВ,  
капитан.**

## ИНСОН ХОТИРАСИ АЗИЗ, ҚАДРИЯТИ БАЛАНА

хотирасини фарҳ билан тилга оламиз.

Ўзбек милицияси бой тарихга эга. Юрт-тинчлиги, осойишталиги, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида хизмат қилган ҳар бир ички ишлар

чиликка қарши курашда жонини фидо қилган мард ички ишлар ходимларининг номи, жасорати мангутир.

Мустақиллик йиллари нинг дастлабки кунларида ноқ истиқололга эришган республикамизнинг равнақини кўра олмайдиган, ислом динини рўйач қилиб, ўз манфаатини кўзлаган, экстремистик кайфиятдаги ғаламислар ҳеч иккilanmай мамлакат сарҳадларига совуқ курол билан кириб келишга, тинч ҳаётимизга раҳна солишга уриндилар. Тошкент ва Сурхондарё вилоятининг тоғли худудларида бузғунчилик йўлида суқилиб киришга ҳаракат қилганлар билан тўқнашувда бир гурух ички ишлар ходимлари мардларча ҳалок бўлдилар.

Террорчилик ҳаракати бутун дунёни ташвишга солаётгани сир эмас. Ер юзининг гоҳ у, гоҳ бу нуқтасида рўй берәётган портлашлар республикамизда ҳам содир бўлиб, бир неча ички ишлар ходимларининг бевақт ҳаётдан кўз юмишига олиб келди. Ундан ташқари уюшган жиноятчиларни аниқлаш ва қўлга олиш чоғида ҳам йигитларимиз ҳалок бўлаётган ҳоллар учраб туриди. Юртимизда тинчлик ва осойишталикини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўлида жонини курбон қилганлар

хотираси олдида бош эгамиз.

Инсон қадрияти ҳамма нарсадан улуғ. Биз билан бирга яшаётган, сафимизда юрган кишиларнинг қадрига етиш керак. Инсон ёруғ дунёдан ўтиб кетгандан кейин қабри тепасига юз марта боргандан кўра тириклигига бир марта йўқлаган афзалдир, дейди ҳалқимиз. Бир-биридан хабар олиш, турли айёмларда йўқлаб туриш миллатимизга хос фазилат. Айниқса, беморларни йўқлаб, ҳол-аҳволни сўраган киши беҳисоб савобга қолади.

Хозирги кунда республика ИИВ тизимида 45 мингдан ортиқ фахрийлар бор. Уларнинг аксарияти кўп йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилиб, нафақага чиқсанлардир. Иккинчи жаҳон урушининг суронли дамларини бошидан кечирган отахонлардан 416 нафари сафимизни тўлдириб, табаррук инсонлар сифатида ҳурматиззатда юришибди. Ундан ташқари урушдан кейинги оғир йилларда ички ишлар идораларида хизмат қилиб, бутун иш фаолиятини эл-юрт осойишталигига багишилар фахрийларимиз талайгина. Уларнинг босиб ўтган йўли, ҳаёт тажрибаси ёшлар учун мактаб, десак янглишмаймиз. Шунинг учун бу кексаларни қадр-



## Оғриқли нұқталар

Кишили-қировли күнлар ортда қолди. Ҳозирда күп қаватлы уйларнинг олдидаги майдончалар эртадан кечгача болалар билан гавжум. Уларнинг қий-чудидан баъзан қулоғингиз қоматга келса, ғоҳида болалигин-гизга қайтишни кўмсаб қоласиз.

Сиз ҳавас ила қараётган ана шу болаларнинг кўпчилиги бир кун келиб бебаҳо мутахассислар бўлиб етишади. Биз охирига етказа олмаган ишларни улар давом эттиради, чала қолган иморатларни битириб, ихтиrolарни якунлайди. Шундай бўлармикин? Кувончимиз, ҳаётимизнинг давомчиси бўлган болаларнинг ҳаммаси ҳам қаторларидан хато бўлмай, униб-ўсармикинлар? Албатта. Албатта униб-ўсадилар. Бунинг учун биз – катталар уларга нисбатан ҳамиша ғамхўр бўлсан, тақдирига лоқайдлик кўрсатмасак бас. Эътиборсиз бўлсан-чи?

...Шахрихон туманинда Тожикобод қишлоқ ахлиниң кўпи ухлаб, қолганлари ҳали ғимирлаб, уй юмушларини қилиб юрганда – соат 21 дан 40 дақиқа ўтганда хонадонлардан бирида қий-чув кўтарилди. Сабаби, қишлоқда яшовчи Муҳиддин Мўминовлар уйида ёнғин бошланганди. Кучли ёнғин ўт ўчирувчилар томонидан ярим соатдан ортиқроқ вақтда ўчирилди. Аммо оғат оқибатида уйнинг том қисми, уй жиҳозлари куйиб кул бўлди. Энг даҳшатлиси, ўт ўчирилгач, хонарнинг биридан уй эгасининг 10 ёшли ўғли – Сирожиддиннинг куйган ҳолдаги жасади олиб чиқиди...

Дастлабки текширувlarда электр симларининг кисқа туташуви натижасида рўй бергани аниқланган ушбу фожиада кимни дир айблаб бўлмас, балки. Бироқ юртдошларимиз ўз уйлари томи тепасидан ўтган ёки хонадонга тортилган симларнинг кўриниши безарар бўлса-да, улардаги жиловлаб бўлмас қувватни унутмаган ҳолда вақти-вақти билан мутахассисларга мурожаат қилиб, текширтириб турсалар, мутасаддилар ҳам электр симларнинг ҳолатини вақтида кўздан кечирсалар, фожиа юз бермасмиди?..

Ёнгиннинг “тилсиз ёв” дейилиши, бежиз эмас, албатта. Айниқса ёш боланинг кўзини ўйнатиб, “жилваси” билан ўзига жалб қилишини катталар яхши билишади. Шундай экан, кичкентойларни оловдан эҳтиётлаш, унинг қандай оғат эканлигини тушунириб бориш ота-онанинг вазифасидир. Афсус билан айтиш керак: айрим ота-оналарнинг ўз фарзанди тақдирига нисбатан бепарволиги, айниқса, аёлларимизнинг бирор жойга “беш дақиқага” бориб келиш олдидан гугуртни уйда қолаётган болаларнинг кўзларидан нарирокқа қўймасликлари ҳам аянчли воқеаларни келтириб чиқармоқда. Биз шундок ҳам ўртанган дилларни ўрташ, яраларни тирнаш фикридан йирокмиз. Лекин айрим бегам катталарнинг хушёриликка чақи-

риш, гўдакларга нисбатан ҳозирлироқ бўлишга ундаш мақсадида жабрланганларнинг исм-шарифларини ўзгартирган ҳолда юз берган бахтсиз ҳодисаларни айтишга мажбурмиз. Масалан, Асака туманинда қишлоқлардан бирида ёшгина она кийим-

кулфлаб, иш билан кетманда, балки унинг тўрт ёшли қизи Наргиза гугурт ўйнамас, уйга ўт тушгани етмагандай, бешикдаги бир ёшга тўлмаган гўдаги куйиб кетмасмиди?! Бўстонлик туманинда қишлоқлардан бирида олти ёшли Фарида уйида

уларни камолга етказиб, орзу-ҳаваслар кўриш умидлари тилсиз ёв туфайли пучга чиқди...

Бу воқеалар бепарвонлик, эътиборсизлик оқибатида юз бергани, тасодиф эканлигини яна бир бор тақрорлаймиз. Лекин бир ўсмирни мактабдошлари атайлаб уриб ўлдирса, бунга нима дейиш, қандай баҳо бериш керак?

Тошкент шаҳри туманларидан биридаги мактабнинг 4-синф ўқувчиси Дима мактабга кетганча, уйига қайтмади. Бир неча ойгача фарзанди бедарак кетган ота-онанинг аҳволиу, турли мишишларни тасаввур қилиш қийин эмас.

бикинида фаолият юритаётган интернет кафеларда, хонадонлардаги телевизор, видеоларда болалар қандай ўйинларни ўйнаб, кўрсатувларни томоша қилишяпти? Ҳатто айрим мактаблар биносидаги хоналар компьютер ўйини учун ижарага берилиб, ҳовли томондан эшик очиб қўйилса. Кундуз-кеча демай бехаё, жангари фильмлар намойиш этилаверса, уларни бемалол томоша қилаётган ўсмирнинг онги заҳарланиб, ўзини ўша фильмдаги зўравон, жizzаки, қолаверса, қотил сифатида тасаввур қиласлигига ким кафолат беради? Юқорида айтилган қотиллик ҳам ана шундай жангари фильмларнинг ҳосили эмасми?

Мақсадимиз болангизни компьютер ўйнашига, кино кўришига рухсат берманг, дейиш эмас. Ўсмирлар техникини ўргансин, дунёқараши, тафаккури ўссин. Лекин катталар “болам қандай ўйин ўйнаб, нимани томоша қилияпти?” деб фарзандларини назорат қилиб ҳам туришсин. Ана шунда юқоридаги каби фожиалар юз бермайди...

Инсоннинг инсонга ҳасади, хусумати, баразгўйлиги борасидаги воқеаларга бу кўхна дунё кўп гувоҳ бўлган. Бироқ ўзаро чиқиша олмай, доимий уруш-жанжаллар оқибатида ўч олиш учун опа ўз жияни – синглиснинг фарзандини ўлдиргани ҳақидаги қабиҳликни олам яралгандан буён кўрмаган бўлса керак.

Тошкент вилоятидаги туманлардан биридан 9 ёшли қизалоқ – Дилбар йўқолиб қолди. Орадан бир неча кун ўтгач, хўжалик худудидан оқиб ўтвичи каналдан унинг ташки кўринишдан жароҳатсиз мурдаси топилди. Яъни, Раъно каналга тушиб, чўкиб кетган, деб тахмин қилиш мумкин эди. Лекин аслида-чи? Суд-тиббий кўригининг холосасига кўра қизалоқ жисмоний куч ишлатиб, сувга чўқтириб, ўлдирилганди. Суриштирилганда бу ишни унинг холаси ўч олиш мақсадида содир этгани маълум бўлди...

Фарзанд дунёга келди. У ўғилми-қизми – инсон, келажагимизнинг давомчиси. Фарзандга лоқайдлик, бепарвонлик, хусумат – келажакка нисбатан беписандлик, келажакнинг илдизига болта уришдир. Шундай экан, ҳар бир ота-она унинг келажагига ҳам жавобгар эканлигини унутмасликлари зарур.

Валишер МАДАМИНОВ.

# ЎТДА КУЙГАН, СУВГА ЧЎҚКАН УМРЛАР

ларни дазмол қилаётган пайтда ўнинг иккى ёшга тўлиб-тўлмаган ўғилчаси Соҳибжон дазмол сими нинг очиқ жойини ушлаб олган. Натижада уни ток уриб, касалхонада ҳаётдан кўз юмган. Қани айтинг-чи, кундалик эҳтиёж буюми бўлган дазмолнинг сими очилиб қолган экан, бир фалокат юз бермасидан уни тузатиб кўйиш катталар учун шунчалар мушкулмиди?!

Баъзан фожиали ҳалок бўлган одам ҳакида гап кетганда “у эмас, бу эмас, раҳматлиниг куни битган экан. Фожиа унинг ўлими учун бир баҳона, холос” деб ўзимизни юпатишга уринамиз. Тўғри, ҳеч ким атайлаб жигаргўшасига завол тиламайди. Аммо эътиборсизлик уни келтириб чиқарувчи омил эмасми? Агар шундоқ хонадон қаршисида ҳовуз борлигини билган катталар хушёроқ бўлганларида наманганилик иккى яшар Собиржон ҳовузга тушиб кетиб, чўкиб ўлмасмиди? Хоразмлик Раъно Атабаева фарзандларининг устидан

ўйнаб ўтириб, дераза пардасининг осилиб ётган пишиқ чилвирига бўйнидан ўралиб, жон бераётгандага катталар қаёқда эди?!

Хадиси шарифларда айти -



лишича, фарзандни дунёга келтирган ота-онанинг вазифаси, аввало, унга чиройли исм қийиш, солих инсон қилиб тарбиялаш ҳамда ўзига муносибига узатиш ёки уйлантиришдир. Тошкент вилоятидаги туманлардан бирида яшовчи ҳамортизм каттаси 15, кичиги 4 ёшли фарзандларига Нафосат, Шавкат, Садоқат, Сардор деб чиройли исмлар кўйган экан. Лекин афсуски, ота-онанинг

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

## СИЗНИ ҚУТЛАШ УЧУН БИЗНИ ЙЎҚЛАШАР.

Турмуш ўртогум, старшина Турсунбек Ҳайитов ҳамда эл осойишталиги, юрг тинчлиги йўлида жон фидо қилган барча ички ишлар ходимлари хотирасига бағишилмайман.

*Тақдирга тан бериб қолдим-ку, жоним.  
Ғам-андуҳ, алам-ла ёндим-ку, жоним.  
Кўзларим гўё кўр, қулоқларим кар.  
Ёлғизлик дастидан толдим-ку, жоним.*

*Бир сиқим тупроққа айланаб туриб,  
Мен сизни бағримга ололмадим-ку.  
Дардингизга дармон, шифолар бўлиб,  
Жонингизни асрар қололмадим-ку,*

*Дод-фарёд чексам ҳам сочларим юлиб,  
Мажнуним, мен Лайли бўла олмадим.  
Тун-у кун ёнсам-да зулматда қолиб,  
Икки қаро кўздан кеча олмадим.*

*Севига қонмаган юрагим хаста,  
Осмонга сиғмаган нурсиз қуёшман.  
Энг баланд чўққидан қуладим пастга,  
Харсанг эдим, энди бир парча тошман.*

*Шукрки, теграмда яхшилар бисёр,  
Ҳар куни, ҳар соат сизни эслашар.  
Элда байрам бўлса, яшинасдиёр,  
Энг аввал сизларни — бизни қутлашар.*

Роҳила МАТКАРИМОВА.  
Хоразм вилояти.

Хотира ва Қадрлаш кунида ўтганларни хотирлаш хайрли ишдир. Ана шундай тадбирлардан бири республика ИИВ Қоровул қўшинлари собиқ қўмандони, генерал-майор Қидирбой Айткулович Алиевнинг ёрқин хотирасига бағишилаб, у киши туғилиб ўсган Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида ўтказилди.

## ГЕНЕРАЛНИ ЁД ЭТИБ

Қидирбой Алиев номини абадийлаштириш мақсадида унинг уйида хотира лавҳаси ўрнатилди.

К. Алиев 1960 йил 12 январда туғилган. Ўкувчилик давриданоқ ўз олдига ҳарбий бўлишни мақсад қилиб қўйди. Мактабни тугатгач, Ноғосибирск шахридаги олий ҳарбий қўмандонлик билим юртига ўқишига кирди. Қидирбой Алиев ҳарбий хизмат фаолиятини взвод командирлигидан бошлаб, рота, батальон, ҳарбий қисм командири, Қоровул қўшинлари қўмандони лавозимларида зиммасидаги вазифаларни шараф билан бажарди. Генерал-майор К. Алиев ИИВ Қоровул қўшинларининг ҳарбий қисмлари ва бўлинмалари хизмат ва жанговар фаолиятини такомилласти-

ришга, уларнинг моддий-техник базасини ривожлантиришга, ёш офицерларни тарбиялашга улкан ҳисса ўшган тажрибали, талабчан ва қатъиятли раҳбар эди.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, 1999 йилда унинг ташабуси билан Қоровул қўшинлари тарихи музеи ташкил этилди. Ҳозирги кунда бу маскан келажак авлоднинг Қоровул қўшинлари тарихи, қўшинларда етишиб чиқсан генераллар ва уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўллари ҳақида керакли маълумотларга эга бўлишларига, уларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилиб келмоқда.

Хотира тадбирида республика Ички ишлар вазири ўринбосарлари,

генерал-майор Р. Қодиров, полковник А. Шарафутдинов, Қоровул қўшинлари қўмандони, полковник Н. Сулейманов, унинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, полковник М. Фозилов, Ички қўшинлар қўмандонининг ўринбосари, генерал-майор В. Мамо, "Хотира таҳтаси" муаллифи М. Алиев, Бўстонлиқ тумани ҳокими ўринбосари А. Тўрабеков, К. Алиев ўқиган вақтида мактаб директори бўлиб ишлаган ў. Элемесов ва генералнинг маҳалла дошлари иштирок этдилар. Сўзга чиққанлар унинг эл тинчлиги, осойишталигини таъминлаш ўйлида қилган улкан ишлари ҳақида гапириб ўтдилар. Бўстонлиқ тумани Караманас қишлоғидаги генерал-майор



К. Алиев ўсиб улғайган кўчага унинг номи берилди. Тадбирдан сўнг генералнинг қабри зиёрат қилинди.

Халқимизда "Яхидан боғ, ёмондан доғ қолади" деган ажойиб бир мақол бор. К. Алиев ўзидан улкан боғ қолдирган инсон эди. Ҳозирги кунда бу боғ ўз меваларни бермоқда. Қоровул қўшинлари шахсий таркиби ва марҳумнинг ёру биродарлари қалбida генерал-майор Қидирбой Айткулович Алиевнинг ёрқин хотираси мангу яшайди.

Бахридин ЛУТФУЛЛАЕВ,  
сержант.

## ФАХРИЙНИНГ ҚЎШ БАЙРАМИ



Иккинчи жаҳон уруши иштирокчisi, истеъфодаги майор Мелиқўзи Эргашев хонадонида 9 май ҳарйили катта байрам сифатида нишонланади.

етиб келганида уруш тугаган эди.

Уруш тугаганига қарамай М. Эргашев уйига қайта олмади. Чунки у хизмат қилаётган ҳарбий қисм Ашҳобод шаҳрига жўнатилганди. Аскарлар 1948 йилдаги кучли зилзила оқибатларини тугатиш ва шаҳарни тиклаш ишларидан катнашишди.

М. Эргашев 1956 йилда ички ишлар тизимиға ишга қабул қилинди. 1956–1984 йилларда Сурхондарё вилояти ИИБ-нинг турли хизматларида фаолият кўрсатди. У ЙХХБда оддий автоинспекторликдан бош инспектор, бўлим бошлиғи лавозимларида ишлади. Хизматга ҳамиша масъулият билан ёндашди, эл-

юрг ҳурматини қозонди.

Мелиқўзи Эргашевнинг умри бехуда ўтганий ўқ. У киши ўнлаб шогирдлар етишириди. Орзу Мўминов, Тўхтамиш Холназаров, Абдураслон Алланазаров, Сайдмурод Ҳамдомов, Абдусаттор Исмоилов ва яна бошқа кўплаб ходимлар у кишидан ички ишлар ходимига хос фазилатларни ўргандилар. Бугунги кунда Мелиқўзи отанинг набираси Ботиржон ҳам бобо касбини улуғлаб келаётir.

Фахрийнинг хонадонида бугун қўшалоқ байрам. Яъни, бутун оила Хотира ва қадрлаш куни ҳамда отаҳоннинг табаррук 83 баҳорни қаршилашмоқдалар.

Сафарали  
МОНТОУРДИЕВ.

Суратда: М. ЭРГАШЕВ.

Ҳадемай иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 60 йиллиги нишонланади. Бу ғалаба барча миллатлар қатори ўзбек ҳалқи учун ҳам катта аҳамиятга эга. Қирғинбарот уруш миллион-миллион кишининг ҳаётига зомин бўлди.

## ХУДОЙНАЗАР ОТАНИНГ СЕВИНЧИ

Вилоят ички ишлар бошқармасида жанг майдонларида мардларча ҳалок бўлганларнинг номларини агадийлаштириш, шунингдек, уруш қатнашчиларига фамхўрлик қилиш каби анъаналар давом этмоқда. Вилоятда яшовчи 10 нафар уруш қатнашчиси вилоят ички ишлар бошқармаси оталиғига олинган.

Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, генерал-майор Баҳтиёр Сидиков ва бир гурӯҳ ходимлар ғалабанинг 60 йиллиги муносабати билан иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг хонадонларига ташриф буюришиб, уларнинг ҳолидан хабар олишди. Жумладан, Янгиарининг "Баёт" қишлоғидан фронтга кетган табаррук отаҳон Худойназар Мадраҳимовдан кўнгил сўраш мақсадида унинг хонадонида бўлишди. Худойназар ота тарихда танклар жангни деб атальмиш Курск ёёй жангидага қатнашиб, оғир яраланган. Даволангач, яна сафга қайтди. Х. Мадраҳимов ўттиз йилдан зиёд ички ишлар идораларида профилактика инспектори, паспорт бўли-

ми, қўриқлаш бўлими бошлиғи лавозимларида хизмат қилди. Урушда олган жароҳатлари соғлигига ўз таъсирини кўрсатиб, касаллик отани аста-секин тўшакка михлаб қўиди.

Бошқарма раҳбарияти ва саҳоватпеша инсонларнинг ёрдами ила отаҳонга ногиронлик аравачаси топширилди.

– Биз каби фахрийларга кўрсатилаётган самимий эътибор ва фамхўрликлар кўнглимни кўтарди, – дейди Худойназар ота Мадраҳимов. – Биздай қарияларни йўқлаб келгандарингиз учун мингдан-минг раҳмат. Очиги, бугун қайта туғилгандай бўлдим.

Биз кўрган уруш туш бўлиб қолишини истардим. Илоҳим, фарзандларимиз уруш нималигини билишмасин. Дунёдан тинчлик-тотувлик, миллатлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат ари масин. Барчангизга оиласиз юриш ва фарзанду неваралар баҳт-иқбалини кўриш насиб этсин, – дейа тилаклар тилаб қолди Худойназар ота.

Мирзабек АБДУЛЛАЕВ.

...Гуломжон ўрта мактабни битириб, эндиғина меҳнат фаолиятини бошлаганда иккинчи жаҳон уруши бошланди. Оловқалб йигит ҳеч иккиланмай жангга отланди. Оғир жароҳат олгани боис 1944 йилнинг март ойида ҳарбий хизматдан бўшатилди.

- Дадамнинг ички ишлар идораларидағи фаолияти 1945 йилдан, Фарғона вилояти ИИБ Марғилон шаҳар бўлинмаси маҳсус комендатурасида бошланган, - дейди марҳум генерал-майор Гуломжон Зокировнинг тўнгич фарзанди Тошкентдаги 247-мактаб ўқитувчиси Назирахон Зокирова. - Биз уч фарзанд - мен, синглим Замирахон ва укам Баҳтиёржонлар эсимизни таниганимиздан да-

дамни ҳамиша ораста ва озода милиция кийимида кўрганимиз. У кишининг шу даражага етишинишларида онажонимнинг хизматлари катта бўлган.

Дадам ишга эрта кетиб, уйга кеч қайтсалар ҳам доимо фарзандларининг саломатлиги, ўқиши билан қизиқардилар. Ҳамиша аъло ўқишимизни талаб қилиб, уй вазифаларимиздан завқланардилар. "Болаларим, инсоннинг асосий бойлиги аввало унинг соғлиги, тинчлиги, қолаверса, танлаган касбни мукаммал эгаллаб, ҳалол яшашидир" деб кўп таъкидлар эдилар.

- Дадамнинг панд-на-



сиҳатларига амал қилиб, кам бўлганимиз йўқ, - сухбатни давом эттириди ИИБ Академияси ички ишлар идоралари офицер кадрларининг малақасини ошириш факультети ҳукуқий фанлар кафедраси ўқитувчи, кунни Олой бозоридан

подполковник Баҳтиёр Зокиров. - У киши мактабда, кейин Тошкент Давлат юридик институтидаги ўқиб юрган пайтларимда синовлар олдидан: "Имтиҳонни аввал менга, аъло баҳо олсанггина домлаларингга топширасан" дега қаттиқуллик билан билимларимизни текшириб кўрганлари сира ёдимдан чикмайди. "Болаларим, камтар бўлинглар. Камтарлик инсонни камолга етказади" дейишлари ҳамон кулогимда. Ана шу камтарликлари боис Тошкент вилояти ИИБ бошлиғи лавозимида ишлаб юрганларида ҳам ота-бала ҳар якшанба куни Олой бозоридан

рўзборга зарур маҳсулотларни сотиб олардик. "Кимсан, Гуломжон Зокировнинг фарзандимдан" дега мақтаниш, манмансираш одати йўқ эди бизда. Чунки дадам "отангнинг обрўси, мансаби билан эмас, ўзингнинг меҳнатинг билан обрў олгин" дер эдилар. Фарзандлари, шунингдек, кўл остидаги ходимларига бирдек қаттиқул, шу билан бирга меҳрибон бўлган Гуломжон Зокиров мамлакатимизнинг қайси вилоятида, қандай лавозимда ишлашидан қатни назар, ҳалоллиги, ишчанлиги, ҳақиқатгўйлиги билан иззат-хурмат топди. Ички ишлар идораларида узоқ йиллар хизмат

20.10 "Килини қирк ёриб". Интеллектуал ринг.

21.00 ўзлонлар.

21.05 Жаҳон маданияти хазинасидан: "Маҳобхорат". Телесериал.

21.50 Олтин мерос.  
22.45 Кулгуч.  
22.55 "Гангва жамна". Бадий фильм 1-кисм.  
0.25-0.30 Хайрли тун.

## «Тошкент» телеканали

17.00 Кўрсатувлар тарбиби.

17.10 "Мульчархалак".

17.30 "Табриклаймиз-кутлаймиз".

17.50, 19.25 "Экспресс" телегазетаси.

18.10 "Афиша".

18.30, 20.00, 21.15, 23.10 "Пойтахт" ахборот дастури.

18.50 "Дугоналар".

19.15 "Табриклаймиз-кутлаймиз".

20.30 "Бахтили бўлинг".

21.35 Кинонигоҳ: "Худди ўзингиз".

23.15-23.20 Хайрли тун, шахрим !

## «Sport» телеканали

7.30 "Хабарлар".

7.45 "Бодоре утро".

8.45 "Хабарлар" (Рус тилида)

9.00 "Болалар спорти".

9.20 "Кўнгил-кўнгилга пайванд".

10.00-13.00 Дзюдо бўйича Осиё чемпионати.

\*\*\*

"SPORT". ТЕЛЕКАНАЛИ.

16.55 Кўрсатувлар тарбиби.

17.00 "Хабарлар" (Рус тилида)

Россиянинг БИРИНЧИ КАНАЛИ.

17.20 Хужатли фильм "SPORT". ТЕЛЕКАНАЛИ.

17.50 "Спорт клуб". Ринг.

18.20 Кураш. Республика биринчилиги.

Россиянинг БИРИНЧИ КАНАЛИ.

18.50 "Мўъжизалар майдони".

19.00 "Время".

"SPORT". ТЕЛЕКАНАЛИ.

20.00 Премьера "Как".

20.55 "Спорт клуб".

21.05 "Хабарлар".

21.20 Дзюдо бўйича Осиё чемпионати.

22.20 Жаҳон спорти: "Еврофутбол".

23.55 "Түнингиз осуда бўлсин!".

## 30-й канал

9.00 Открытие программы

9.05, 17.25, 21.40 "Телехамкор"

9.25 "Детский час"

9.50 "В тридевятом царстве", сказка

11.20 "Ошикона", мусики

дастури

12.05 Бокс

12.50 Спорт-Экстрим

13.25 "Детский час"

13.50 Индийское кино:

Родственники узы

14.25 Сериал "Ошикона", мусики

дастури

14.50 "Баллистика", остросюжетный фильм

20.00 "Хикоя"

20.20 Хит-парад.uz

22.00 "Солдаты 2", сериал

23.00 "Полный привод", комедия

## OPT

5.00 "Доброе утро"

8.00 Новости

8.05 "Умножающий пе-

чаль", сериал

9.20 Сериал "Клон"

10.30 Дискей-клуб

11.00 Новости (с суб-

титрами)

12.00 Фильм "Трансси-

бирский экспресс"

13.00 Искатель. Китеж.

След пропавшего горо-

да"

13.30 "Угадай мелодию"

14.00 Новости (с суб-

титрами)

14.20 Комедия "Вориши-

ки"

15.00 "Пять вечеров"

17.00 Вечерние новости (с суб-

титрами)

17.20 Док. детектив.

"Призраки ночных до-

рог".

17.50 "Основной ин-

ститут".

18.50 "Поле чудес"

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, полковник **Олмос УБАЙДУЛЛАЕВ**ни 50 ёшга тўлиши билан самимий табриклиймиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, ишларида катта ютуқлар тилаймиз.

## Бошқарма раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тиббиёт бошқармаси бошлигининг ўринбосари, подполковник **Нарзулла ТЎХТАЕВ**ни 45 ёшга тўлгани билан чин дилдан табриклиймиз. Ҳамкасбимизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, шахсий таркиб саломатлигини сақлаш йўлидаги хизматларида катта ютуқлар тилаймиз.

## Бошқарма раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Навоий вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари, полковник **Бафокул НАРЗУЛЛАЕВ**ни таваллуд аёми билан самимий муборакбод этамиз. У кишига мустаҳкам соғлиқ, сермазмун умр, оилавий фаровонлик ва хизматларида катта муваффакиятлар тилаймиз.

## Бошқарма раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Тошкент вилояти ИИБ ўкув маркази бошлиғи, подполковник **Абдурасул АКМАЛОВ**ни туғилган куни билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва ишларида катта ютуқлар тилаймиз.

## Эҳтиром ила ҳамкаслари.

Тошкент вилояти Қиброй тумани ИИБ ЁҲБ инспектори, катта лейтенант **Суннат СУЛТОНОВ**ни туғилган куни билан самимий табриклиймиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва сермазмун умр, мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, ишларида омад ва ютуқлар тилаймиз.

## Эҳтиром ила ҳамкаслари.

Навоий вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими катта инспектори, катта лейтенант **Нематилло МУҲАММАДИЕВ**ни 35 ёшга тўлган куни билан табриклиймиз. Жигарбандимизнинг умри узун, танжони соғ, мартабаси улуг бўлиб, кўп йиллар даврамизни тўлдириб юришини Яратгандан сўраймиз.

## Оила съзолари номидан опаси Мехринисо.

## БИР КУЛИШАЙЛИК

Эр уйга кечаси алламаҳалда қайтди.

Хотин:

— Отаси, шу маҳалгача қаерда эдингиз?

Эр:

— Холматнида.

Хотин (телефонда рақам териб):

— Ҳозир текширамиз-да ... Алло, Холмат ака, хўжайним сизларнига борганимидилар?

Холмат:

— У ҳалиям шу ерда...

\*\*\*

Узоқ вақт қўришмаган икки таниш аёл учрашиб қолишиди.

— Нима янгиликлар?

— Эрим бошқа аёл билан юрар экан.

— Мен эски гапларни сўрамаяпман-ку.

\*\*\*

Вафот этаётган бемор:

— Дўйхтир, сўнгти илтимосим, касаллик вара-камга "ОИТСдан ўлган" деб ёзинг.

Шифокор:

— Нима учун?

Бемор:

— Ўшанда хотинимга ҳеч ким уйланмайди.

\*\*\*

Киз:

— Мени севасизми?

Йигит:

— Албатта, жонгинам!

Киз:

— Менга уйланасизми?

Йигит:

— Нега дарҳол сухбат мавзусини ўзгар-тирасан?

\*\*\*

Дўконда. Бола:

— Амаки, 4 кило конфет билан ярим кило ун берар экансиз.

Сотувчи:

— Яхшилаб эсла, мабодо тескариси эмасми?..

ИСНИСНГОЛАМ  
МУНДЖИМОЛАР  
БАШОРАТИ


## Келгуси ҳафта учун



**Қўй.** Ушбу ҳафтада кайфиятингиз кўтаринки бўлади, зимманиздаги вазифаларни муваффакиятли уddyалайсиз. Кўзланган мақсадга атрофдагиларнинг қўллаб-куватлаши орқали эришишингиз мумкин. Миянгизда туғилган foялар тўлиқ пишиб етилмай туриб, уларни ошкор қилимаганингиз маъқул. Ҳар бир сўзни ўйлаб гапиринг.



**СИГИР.** Ота-онангизни йўқлаш учун вақт ажратишни маслаҳат берамиш. Шанба кунгача кайфиятингиз ўзгариб туради. Амалий ва молиявий масалаларни ҳал этишда умр йўлдошингиз ёки амалий шерикларнинг ҳафтага қолдирганингиз маъқул. Якшанба куни руҳингиз тетиклашиб, ўзингизга бўлган ишонч ортади.



**ЭЗИЗАКЛАР.** Ортиқча хиссиятларга берилмай, асабингизни эҳтиёт қилинг. Ўзингизни ўйлантираётган масалалар бўйича бир қарорга келиш ва куч-куват тўплаб олиш учун вақтинча дўстларингиз билан учрашмай турганингиз яхши. Фикрларингизнинг тиниклашуви кўнгилли ҳордикчиқаришингизга боғлиқ. Дам олиш кунлари фойдали мuloқotлар кутилмоқда.



**ҚИСКИЧБАҚА.** Белгиланган режаларни ишонч билан бажарасиз. Амалий ёки оилавий муаммоларни ҳал қилишингизга тўғри келади. Кредит олишингиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Ҳамма нарсага бирданига эришишга урینманг. Агар дўстларингиз саъи-ҳаракатларингиз суръатига улуролмаётган бўлишса, улардан ранжиманг. Сешанба ва якшанба кунлари сизга омад кулиб бўлади.



**АРСЛОН.** Мазкур ҳафтада муаммоларни бир чеккага суреб, ҳаётдан завқ олишга интиласиз. Барқарор ҳаёт кечиришга ҳаракат қилинг. Яқинларингиздан бирига моддий ёрдам кўрсатишингиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Ҳаридлар кутилмоқда. Ўзингизга ёқсан нарсани сотиб олиш учун пулни ямай сарфлаганингиз маъқул.



**БОШОҚ.** Олдинда муайян тўсиқлар учрайди. Шу боис сизнинг хатти-ҳаракатларингиз бошқаларнидан фарқ қилади. Муҳими, адолатсизликка йўл кўймасангиз бўлгани. Шуни билингки, доим ҳам сиз ғалаба қозонавермайсиз. Буни иnobatga олишингиз зарур. Үюштирилган сафарлардан қоникиш ҳосил қиласиз. Саломатлигиниз бироз панд беради. Ишга жиддий киришмасликни маслаҳат берамиш.



**БАЛИК.** Ушбу ҳафтадаги қатъиятлилигиниз кўрпчиликнинг эътиборини тортади. Амалий масалаларда фаоллик кўрсатасиз. Ишлар кўлайиб кеттанилиги туфайли оилавий вазифаларнинг асосий қисмини фарзандлар ва умр йўлдошингиз бажаришига тўғри келади. Қисқа вақт ичидаги ҳаётингизда муайян ўзгаришлар бўлишига эришасиз.

## «Маънолар маҳзани»

## БИР ҚЎЛЛАБ СОЧАСАН, ИККИ ҚЎЛЛАБ ЎРАСАН

Ўтмишда ҳозиргидай экин экувчи сеялкалар бўлмаган, албатта. Деконлар фалла экканда уруғлик донни этакка ё тўрвага солиб олиб, бир қўллари билан ерга сочиб кетаверар эдилар. Фалла ўримда эса икки қўллари ҳам ишларди – бир қўл билан ўроқни, бир қўл билан бошони ушлаб ўрадилар. Мажозий маъноси: "Фалла эксанг, демакки, меҳнат қилсанг, баракали хирмон кўтарасан, бир қўллаб қилган меҳнатингнинг самарасини икки қўллаб оласан", дейилмоқчи. Вариант: "Доналаб сочсанг, қоплаб оласан"; "Мисқоллаб сепсанг – ботмонлаб олар".

## БИРОВ УЧУН БИРОВ ТУШ КЎРИБ БЕРОЛМАЙДИ

Мажозий маъноси: "Ҳар ким ўз тириклигини ўзи ўтказиши ҳаракатида бўлиши керак. Ўзи учун ўзи жон кўйдирмай, бирорнинг мададига умид бўлаш яхши эмас, бунинг фойдаси ҳам, самараси ҳам йўқ", дейилмоқчи.

## БИРОВНИНГ ҚЎЛИ БИЛАН ТИКАН ЮЛИШ ОСОН

Бир одам бирор ишнинг қийинлигини кўра-била туриб ёхуд осон фаҳмлаб, бошқа бир одамга: "Шу ишни қилгин" деса, у одам: "Килолмайман, бу иш



**ТАРОЗИ.** Кўзланган мақсадга атрофдагиларнинг кўмагида эришасиз. Хонадондаги вазият яхшиланади, эътиборли меҳмонлар ташриф буюришади. Керакли одамлар билан алоқа ўрнатишингиз мумкин. Муҳим масалаларни ҳал этишда умр йўлдошингиз ёки амалий шерикларнинг фикрига таянганингиз маъқул. Ҳақиқатни очиқ-ойдин айтишдан чўчиманг.



**ЧАЁН.** Ниҳоят талайгина бўш вақтга эга бўласиз. Эркаклар сафарларга бориш, балиқ овлаш, машина ёки бирор техникани сотиб олишдан баҳра оладилар. Аёллар эса кўнгилочар жойларга ташриф буюришади. Шанба куни кичик кўнгилосизликлар кутилмоқда. Аммо бу кайфиятингизга заррача таъсир кўрсатмайди. Сешанба куни кутилган натижаларни кўлга киритасиз.



**ЁЙ.** Илгари бошланган, аммо қолиб кеттани ишларни ниҳоясига етказишга киришасиз. Таъмирлаш, саломатлигини тиклаш ва иш қоғозларини тартибга келтиришнинг айни вақтидир. Якшанба кунги алоқалар тижорат ишлари ва ҳаётингизни тўғри ташкил этишади. Пайшанба ва жума ҳафтанинг энг сермаҳсул кунларидир.



**ТОФ ЭЧКИСИ.** Жиддий муаммоларнинг биридан ҳолос бўласиз. Жисмоний куч-куват тўплаб, интеллектуал қобилиятингиз шакланади. Бу эса кундаклик вазифаларни бажариш, таклифлар ҳақида мулоҳаза юритиш имконини беради. Мулоқотларда қатнашиб, керакли одамлар билан тезда алоқа ўрнатасиз. Жума куни ҳаётингиздаги муҳим масалаларни муҳокама этиш имконияти бор.



**КОВФА.** Саломатлигиниз бироз панд бериши ёки кутилмаган сарф-ҳаракатлар режангиз амалга ошмай қолишига олиб келади. Фақат ўз кучингизга таяниб иш қўришни маслаҳат берамиш. Муқаддас жойларни зиёрат қилишингиз руҳингизга тетиклик бахш этади.



**БАЛИК.** Ушбу ҳафтадаги қатъиятлиликинг эътиборини тортади. Амалий масалаларда фаоллик кўрсатасиз. Ишлар кўлайиб кеттанилиги туфайли оилавий вазифаларнинг асосий қисмини фарзандлар ва умр йўлдошингиз бажаришига тўғри келади. Қисқа вақт ичидаги ҳаётингизда муайян ўзгаришлар бўлишига эришасиз.

## Менинг кўлимдан келмайди" ёхуд "Бу иш жуда ҳам мушкул-ку, ахир!" дейишига қарамай, мажбур этса, қийин-қистовга олаверса, шундай пайтда ўша иш буорган одамга нисбатан аччиқ киноя тарзида мазкур мақолни кўллайдилар.

## БИРОВНИНГ ЭШИГИН ЭЛ ОЧАР, БИРОВНИНГ ЭШИГИН ЕЛ ОЧАР

Бу мақол совчиларнинг келиш-кељаслигига таллукли. "Бирорнинг эшигини эл очади, яни, қизига кўп совчилар келиб-кетаверади. Бирорнинг қизига эса ҳеч ким совчи бўлиб келмайди, унинг эшигини факат шамол очиб-ёбиб туради", дейилмоқчи.

## БОЛА – ЭР-ХОТИН ТИЛ

Жасорат күрсатыш	1																										
Учрашиш, сұхбат				→ Энг яхши, аъло		Тут- кунлик	Йил даври		Маълум	Айём гумбири			Аён, очик			Касам		Тана- даги доғ									
Тик, түгри				↓	2	↑	↑		Вазифа, юмуш			Дон экини			Кора денгиз бүйін қабиласи		Мусика	Кулай шароит	Товон								
Ши- жоатли		Чам- барак			Лепе... Вега			→ Ман- гулик			Еким- лилик		Химмат		Орзу, дуо	Олов											
Хурмат бажо этиш		Ёдгорлик		Тажриба		Кам	→ ↑		Ёғ тури				↓			Надомат											
Халқлар орзуси		Хам- корлик		3	Тамон	Ижозат	←		Фармон			Ишга даъват		Газмол	Сув йўли												
Айём совфаси		Келин- ойи (шева)		Ёзув (китобий)							4	Эшик зихи															
Бир хил, баравар												Азиз диёр						Нота									
Олтин		Ботқок		Хаёт ўлчови		6						5															
Шартли маль- лумот				Нерв (ўзб)								Бегона			Ўлжа												
Ит зоти	8	Буй Лампа қалпоги											Тиниши белги		Тиш ўрни	Садо- қат											
													Сирач					7									
																		Рус рассоми									
Суюқ таом			... бир	9	Үзбек ғази- навис шиори	Каҳрамон рассом					Истироб	↓	Бурч, вазифа						Органик модда								
Миллат		Маро- сим	←																								
Гул		11	Россия вилояти		Хонадон																						
Душман		Илохиёт	→																								
Тарихчи олим Бино безаги	12	Мото марка	→															13									
Сўз иғодаси, мати		Самолёт маркаси	→	Ёргулик, зиё	Юнон шохи (шарқона)	Етуқ			Даст- лабки	Давр																	
4	13	6	3	2	7	-	14	11	1	7	10	10	7	8	,	4	13	6	3	2	7	-	7	12	3	12	Фозилжон ОРИПОВ тузди.

## ҮТГАН СОНДАГИ СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Роналдиньо. Ҳибс. Ахиллик. Бақа. Жалолов. Ҳаж. Ил. Майкоп. Лаут. Жилов. Омбор. Ли. Ан. Ошна. Новда. Сирт. Ором. Ойдин. Кул. "Уфк". Кумуш. Мали. Конибодам. Ем. Тортик. Ҳажв. Ер. Ре. Он. Шарф. Шахрисабз. Аломат. Тафовут. Абу. Абай. Гоҳо. Ир. Ор. Азим. Зеби. Лойиҳа. Фил. Биология. Ол. Дрезден. Қорачик. Ўта. Зонд. Оройиш. Ош. Такиқ. Ал. Акробатика. Зулф. "Сайли". Марокаш. Ра.

БҮЙИГА: Осло. Зил. Ҳожимуқон. Нажмиддин. Жилва. Код. Ҳар. Машхур. Оқила. Кулба. Борт. Итон. Умеш. Қенгаш. Налайха. Аблай. Орбитал. Қон. Қаноп. Ов. Иҳота. Фотография. Вилоят. Май. Хут. Ионосфера. Воиз. Тормоз. Ажр. Шайба. Ҳалоллик. Ёйандоз. Урф. Етти. Ақиқа. Фазо. Дала. Бобоиб. Оид. Ой. Олкишлаш. Шоир. Оз. Ўчоқ. Рота. Сара. Ёр.

КАЛИТ СҮЗ: Мол одамни топмайди, молни одам топади. (Ўзбек ҳалқ мақоли).

# СПОРТ + ФУТБОЛ



Футбол. Ўзбекистон чемпионати. Олий лига.

## МАВСУМДАН УМИД КАТТА

Очиғини тан олиш керак, Футбол бўйича ўн тўртнинча бор ўтказилаётган Ўзбекистон чемпионатининг Олий лигаси баҳслари анча мазмунли ва қизиқарли ўтмоқда. Ўтказилган беш тур натижалари бизни ана шундай мулоҳаза юритишимиизга асос бўлмоқда.

Аввалин йилларда дастлабки турларданоқ қайси жамоанинг чемпион бўлиши шундоқина маълум бўлиб қоларди. Бу йил ҳам жуда кўпчилик пойтахтнинг номдор жамоаси – "Пахтакор"ни яна чемпионлик шоҳсусини эгалашига шубҳа килмаётган эди.

Тўғри, мавсум арафасида Муборак жамоаси – "Машъал"нинг ўз таркибини анча кучайтирганилиги, голиблик учун курашувчилар қаторида бўлиши мумкинлиги, деярли тарқаб бўлган "Навбаҳор"ни тажрибали туркман мураббийи ўз кўлига олганлиги ва ҳали наманганникларни ҳам "хисобдан чиқариш" нотўғри эканлиги ҳақида кўп бора ёзилди. Лекин бари бир жуда

кўпчилик мутахассис ва мухлислар биринчи ўринда "Пахтакор"ни кўриб турган эдилар.

Бўлиб ўтган беш турдан сўнг турнир жадвалини Қаршининг "Насаф" жамоаси якка пешқадам сифатида эгаллаб олди. Бунга эса айнан "Пахтакор"нинг қоқилиши – "Машъал" билан бўлган ўйинда дуранг натижага қайд этиши асосий сабаб бўлди. Беш ўйиннинг барчасини юз фойзлик натижага ҳал қилган қаршилик футbolчилар янги мураббий раҳбарлигига ҳақиқатда ҳам ажойиб ўйин кўрсатаётганлиги таҳсинга лойик. 5-турда чемпионликка даъвогарлар рўйхатидан биринчилардан бўлиб турган "Нефтчи"ни ўз уйида 2:1 хисобида мағлуб этган "Насаф"дан воҳа мухлислари кўп нарсани кутмоқдалар.

Рахим Курбонмамедов шогирдлари эса ўтган турда "Машъал"ни "тор-мор" этган "Бухоро" жамоасини қабул қилиб, ишончли ғалабага эришдилар – 2:0.

Тажрибали ҳужумчи, миллионлаб мухлисларига эга Игорь Шквирин жамоаси – "Қизилкум" ниҳоят илк ғалаба нашидасини тотиб кўрди. Жамоа ўз уйида Бекободнинг "Металлург" жамоасини қабул қилиб, 2:1 хисобида устун келди.

Ажойиб жамоа тузишга эришган Баҳром Ҳакимов Жиззахда "Сўғдиёна"га қарши жамоасини яхши тайёрлай олмаганилиги сабабли мавсумда дастлабки мағлубият аламини тотиб кўришга мажбур бўлди. Кичик 1:0 хисоби жиззахлик футbolchilarни турнир жадвалининг тўққизинчи поғонасига кўтарилишларига замин яратди.

Чемпионатнинг икки дебютант жамоаси ушбу турда бир хил ҳисобдаги икки хил натижани кўрсатди. Бири сафарда ғалаба қозонишининг уддасидан чиқсан бўлса, иккинчиси ўз уйида мағлуб бўлди...

Сариосиёнинг "Тўпаланг" жамоаси Тошкентда тракторсозларни иирик – 3:0 хисобида мағлуб этганликлари қайсирид маънода турнинг шов-шувли воқеаси бўлди, десак ҳеч янглишмаган бўлмиз.

Фузорлик мухлислар эса ҳамюртларидан фақат ғалаба кутишган эди. Аммо мавсумни кутилганидек бошлай олмаган "Локомотив" "Шўртн"ни ўз мухлислари олдида уялтириб кўйди – 3:0.

Ўтказилган беш турдан сўнг тўпуарлар рўйхатини "Пахтакор" вакили Анвар Солиев 9 тўп билан бошқариб бормоқда. 7 тўп эса қаршилик Зафар Холмуродов хисобида.

Европа Чемпионлар лигаси. Ярим финал. Жавоб ўйини.

## «ЛИВЕРПУЛЬ» РАҚИБИННИ КУТМОҚДА

Европа Чемпионлар лигасининг ярим финалигача етиб келган тўрт баҳти жамоа учинчи ва тўртнинчи май кунлари жавоб учрашувини ўтказди.

Лондонда Англиянинг икки жамоаси – "Челси" ва "Ливерпуль" дастлабки учрашувда бирбирини синовдан ўтказиб, том маънодаги жангвар дуранг қайд этишганди. Лондонликлар мураббийи – Жозе Моуринью ўйин бошланмасданоқ финал учрашувига чиқиш масаласи меҳмонда ҳал бўлишини башорат қилганди. Амалда унинг башорати ўзини оклади. Аммо... "Челси" фойдасига эмас. Минглаб мухлислари олдида нурсиз дуранг (0:0) қайд этган Роман Абрамович жамоаси сафарда "Ливерпуль"га имкониятни бой берди. Жавоб учрашувининг дастлабки дақиқаларида олдинга чиқиб олишининг уддасидан чиқсан мезбонлар (гол муаллифи – Луис Гарсиа) ана шу ягона гол эвазига финалга чиқиш масаласини ҳал қилишди. Англия чемпионатида "Челси" "Ливерпуль"ни 33 очко би-

лан ортда қолдириб, мавсум якунланишига бир неча тур қолганига қарамай чемпионликни кўлга киритган бўлса-да, ҳалқаро майдонда ўз кучини кўрсата олмади. "Ўзга сайёраликлар" номини олган Лондон жамоасига улар ҳам ерлик эканлигини эслатиб кўйиши.

Кечак тунда эса ПСВ жамоаси ҳам Римнинг "Милан" жамоасини ўз майдонида қабул қилиди. Газетамиз кўлингизга етиб борган вақтда сиз ушбу жавоб учрашуви натижасидан боҳабар бўлган бўласиз, албатта. Римда ўтган илк учрашувда эса Андрей Шевченко жамоаси айнан ана шу футbolchisining жонкуярлиги эвазига 2:0 хисобида ғалаба қозонган эди.

Эслатиб ўтамиз, финал учрашуви Туркияниг Истанбул шаҳрида ўтказилади. Ушбу учрашувга мўлжалланган маҳсус тўп ҳам ишлаб чиқилди. Унда кўк юлдузлар ичида Истанбул шаҳрининг рамзий тасвири туширилган. Ўйин якунлангач, ушбу тўп кимошди савдосига қўйилади. Ҳозирда эса тўпнинг нусхалари барча савдо дўконларида сотувга қўйилган.

Шашка.

## ТЎҚҚИЗ ЁШЛИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ


**БУХОРО.** (ЎзА мухбири Э.ЁДГОРОВ). Бухоро шаҳрида 33-мактабнинг 2-синиф ўкувчиси, шашка бўйича Ўзбекистон ва Осиё чемпиони Сайдқосим Алиев ҳисобидаги медаллар сони бирданига учтага кўпайди...

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида болалар ва ўсмиirlar ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этган Сайдқосим ўн ёшгача бўлган болаларнинг "Умид" гуруҳида куч синашиб, вазиятни олдиндан ва тез баҳолай олиши билан ажраби турди. У дастлаб тезкор шашкада кетма-кет ғалабага эришиди ва финалда рақибини уч очкага ортда қолдириб жаҳон чемпиони бўлди. Навбатдаги давра - блиц мусобакасида эса кумуш медални кўлга киритди. Уч йўналишда баҳс юритиладиган бундай нуфузли мусобақада барқарор ўйин кўрсатиш осон эмас. Аммо интилувчан Сайдқосим сўнгги – асосий турда ҳам учинчи ўринни эгаллади.

Олтин, кумуш ва бронза медалларини кўлга киритиш тенгдошлири орасида фақат унга насиб этди.

Жаҳон чемпионатининг 11-12 ёшли қизлар гуруҳида қатнашган яна бир бухоролик шашкани - Сайдқосимнинг опаси, 4-синиф ўкувчиси Гулсумбеким Алиева ҳам ўзини кўрсатди. У тезкор шашка баҳсида кумуш медалга сазовор бўлди.

Санкт-Петербургда ўтган мазкур жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шарафини яна тўрт шашкани химоя қилди. Улар орасида сирдарёлик Нигина Дадаева асосий йўналишда учинчи ўринни кўлга киритди.



Спортимиз келажаги улар қўлида!

Синхрон сузиш.

## ТАИЛАНДДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Тайланд пойтахти Бангкок шаҳрида синхрон сузиш бўйича ўтган мамлакат очиқ чемпионатида мезбонлардан ташқари, Ўзбекистон ва Вьетнамдан келган спортчилар голиблик учун куч синашиди.

12 ёшгача бўлган синхрон сузувлар баҳсида Алина Пионтковская мураббийлигига шугулланаётган Анастасия Здорикова яккалик баҳсларида, Динара Иброҳимова билан эса жуфтлик беллашувларида шоҳсуланинг энг юқори поғонасидан жой олди.

13-15 ёшли спортчилар баҳсида Элмира Файзуллаеванинг шогирдлари - Фотима ва Зухра Уримбоева мусобақанинг кумуш медалини кўлга киритди.

16-18 ёшли сузувлар ўртасида мажбурий дастур бўйича Наргиз Сиддикова яккалик беллашувларида Надежда Кушвид учинчи ўринни эгаллади.

Чемпионатнинг энг қизғин беллашувлари 18 ёшдан катта спортчилар иштироқида бўлди. Яккалик баҳсларида қатнашган ҳамюртимиз Даъя Можаеванинг чиқиши ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди ва ўзбекистонлик спортчи Тайланд очиқ чемпионатининг олтин медалини кўлга киритди.

ЎзА.

## 35 дан 7 «КАТТА ЛОТТО»

5-ТИРАЖ 4.05.2005

### ЮТУҚ ЧИҚНАН РАҶАМЛАР

27	6	32	22	24	20	28
----	---	----	----	----	----	----

7 та ракам — йўқ.

6 та ракам — 2 вариантда тўғри кўрсатилган. Уларнинг ҳар бирига 254704 сўмдан берилади.

5 та ракам — 52 вариантда тўғри кўрсатилган. Уларнинг ҳар бирига 19593 сўмдан берилади.

6-тираж учун

**ЖЕК ПОТ 250.000.000 сўм**

«Sportlotto» Ўзбекистон–Америка кўшма корхонаси

# ХАЁТНИНГ ОҚ ВА ҚОРА ЧИЗГИЛАРИ

## ФОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Яқинда Тошкент вилояти ИИБда “Ўзбекистон қўшиқ байрами” кўрик-тандови бўлиб ўтди. Унда биринчи босқичдан мувофакиятли ўтиб, фолибликни қўлга киритган ўн нафар ҳаваскор қўшиқчилар иштирок этдилар.

Вилоят ИИБ бошлиги ўринбосари, полковник Р. Акбаров раислигидаги ҳайъат аъзолари тандов қатнашчиларининг она-Ватан, муҳаббат, садоқат, меҳнат ва миллатни тараннум этиучи қўшиқларини тинглашаркан, ижрочилик маҳорати, саҳнада ўзини тутиш кабилар билан бир қаторда ходимларнинг хизмат фаолияти, жамоада тутган ўрнига ҳам катта эътибор бердилар.

Тандовга тақдим этилган барча қўшиқлар ҳайъат аъзоларига ман-

зур бўлди. Анча баҳслашув ва кенгащдан сўнг биринчи ўрин Олмалик шаҳар ИИБ ҳузуридаги КБ МКП бошлиғи, майор Н. Маҳмудова “Она Ватан” қўшиғи учун берилди.

Иккинчи фахрий ўринга Ангрен шаҳар ИИБ ТБ терговчиси, капитан М. Мирвосилов, учинчи ўринга эса ИИБ ППХ ва ЖТСБ ВУТХ ходими, кичик сержант Х. Минаваровлар лойик топилди.

Ходимлар орасида санъатга ошно, ошуфта қалблар борлиги

кувончилидир, – дейди ИИБ ИКББ ҳузуридаги “Турон юлдузлари” ансамбли раҳбари Д. Бойхонов. – Чунки, санъатни севган киши ёмонлик қдолмайди. Ички ишлар ходимлари орасида эса санъат шайдоларининг қанчалар кўплигини бундай кўрик-тандовлар мисолида кўриш мумкин.

Фахрий ўрин эгаларига қимматбаҳо совғалар топширилиб, республика миқёсида ўтказиладиган кўрик-тандовга йўлланма берилди.

Ўз мухбиришимиз.

## УСТОЗДАН БИР УМР МИННАТДОРМАН

Ким бўлмайлик ва қайси соҳада ишламайлик, нимадир ўрганишга интилиб яшаймиз. Ҳар куни билиб билмаган ҳолда сабоқ оламиз. Аввало, ҳаётнинг ўзи маълум маънода устоз, муаллим. Лекин шундай одамлар борки, улар ҳаётидан кейин ҳам хотиралар ардоғида қоладилар. Полковник Файрат ака Ҳайдаров ана шундай инсонлардан бири бўлиб, олижаноб, камтарин ва меҳрибон эдилар. Мен дастлаб Сирдарё вилояти ИИБга ишга келганимда Файрат ака вилоят ИИБ бошлигининг мувонини лавозимида ишлар эди. Иш фаолиятимни бошлашдан аввал у кишининг суҳбатидан ўтадиган бўлдим. Очиги, бироз чўчидим. Лекин мен ўлагандан ҳам яхши инсон эканлар. У кишининг насиҳатлари ва ўғитлари боис сафдорликдан, капитан даражасигача етиб келдим.

Мактабда ўқиб юрган дамлардаёқ, хуқуқшунос бўлишни орзу килардим. Онам бунга рўйхушлик бермасдилар. Лекин юрак ёниб турса илок йўқ экан, барibir интилиб, орзу йўлида ҳаракат қилавердим. Молия техникумини битириб, бошқармага ишга келдим. Файрат аканинг чин дилдан куйиниб, ўзбек аёлларининг хуқуқ-тартибот идораларида ишлаб келаётган вакиллари ҳақида ҳикоялари менинг касбга бўлган мөхримни тобора кучайтириди. Уларнинг маслаҳатларига кулоқ тутиб, 1996 йил Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясига сиртдан ўқишга кирдилар.

Устозим Файрат ака кўпинча: “Ҳаёт қарама-қаршиликлардан иборат. Зиддиятлар бугун бир хилда бўлса, эртага бошқача тарзда юз беради. Одам билими, савияси жиҳатдан бошқалардан кам бўлмаса, ҳеч қачон қоқилмайди. Шунинг учун ўз устингда ишлашни тўхтатма” дардилар.

Файрат ака Ҳайдаров фаолиятининг асосий қисми жиноят қидирав



хизмати билан боғлиқ. У жиноятни аниқлаш ва айбдорни топишида катта тажрибага эга эди. Ҳозир ҳам у ҳақда гап кетганда, қайсирид жиноятни қандай очганлиги ҳақида шогирдлари сўзлаб беришади. Содир этилган жиноят очилиб, айбдор тошилмагунча тиниб-тинчимасди. Жиноятчини бугун топиб қўлга олмасанг, эртага яна жиноятга қўл уриб, ташвишни икки баравар оширади, дерди.

Файрат ака турмуш ўртоги Насиба опа билан уч нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказаётган эди. Кўп орзулари ўзи билан кетди, албатта. Лекин отасининг ниятларини фарзандлари ижобат қилишга бел боғлашган. Ўғли Шуҳрат Ҳайдаров унинг касбини давом эттирияти. Яқинда унга катта ишонч билдирилиб, Баҳт шаҳар иччи ишлар бўлимига бошлиқ этиб тайинланди.

Устознинг ибратли томонлари кўп эди. Айниқса, ёш ходимларга меҳрибонлик қилардилар. Унинг руҳи шод бўлиши учун берган насиҳатлари, ўғитларини ҳаётимда ва иш фаолиятимда кўллашга ҳаракат киляпман.

Ўрозгул БЎРОНОВА,  
капитан.

Сулаймон билан Ниуфар турмуш курганига саккиз йил бўлди. Мана шу йиллар ичидан нималар бўлмади, дейсиз.

Оиласдаги етишмовчиликлар, эр-хотин ўтасидаги келишмовчиликлар, баъзида қайнота ва қайнотанинг ўринсиз аралашувлари оила пойдеворини емира бошлади. Эр-хотин ўтасида бир-бирига ишонмаслик, совуконлик ҳислари пайдо бўлди. Аммо эртанинг кунни ҳам ўйлаш керак-ку. Ахир, ўртада фарзанд бор. Унинг келажагини ўйлаш, таъминлаш ота-онанинг бурчи эмасми?

Сулаймон ҳам қараб тургани йўқ. Нима қилса, шу оиласи – ота-она, хотини, фарзанди учун қилди. Чилнгар бўлиб ишлаганини сабабли ойлик маошибдан ташқари анча-мунча чой пули ҳам топиб турганди. Гарчи рўзгоридан орттириб маблағ тўплай олмаётган бўлса-да, бироқ тирикчилиги

## ЗИМИСТОН

*ЭЖАР*

– Уйда ҳаққим бор. Боламни шу уйда тукканимидим, демак, уйнинг ярми меними. Ҳеч нарса билмайман. Уйнинг тенг ярмини сотаман.

Сулаймон жаҳл билан ўрнидан турди:

– Сенга уй керакми? Уй керак-а? Кайнота-қайнона, эр керак эмас, тўғрими? Мен сенга уй сотиш қандай бўлишини кўрсатиб қўяман.

Сулаймон сал нарида турган бўшиша идишини қўлига олиб, устунга уриб синдириди. Кўркувдан оёқлари қалтирай бошлаган Ниуфар қочишга ҳам улгурмай қолди. Кекса ота билан она ўғлининг қўлига осилишар, аммо забардаст йигитга кучлари етмас эди. Бир зумда қўни-қўшилар, профилактика инспектори ҳовлига кириб келишиди. Эр-хотиннинг урушига нуқта қўйилди. Бироқ унинг оқибатида юзага келган ноҳушликлар якун топмади. Ниуфар қўзи, юзи, бўйнидан жароҳат олиб, касалхонага ётди.

Жиноят ишлари бўйича Андикон туман суди Сулаймон Фозиловни ўн йилга озодликдан маҳрум этди. У ўз тақдирини тўртинчи бор суд ҳукмiga ҳавола қилди.

Сулаймон суд залида факат бир нарсани – ота-онасининг дийдорини ўлади. Ўнлаб танишлари орасида бошлари ҳам бўлганча, ўғлининг қилмишидан юзлари шувут, диллари вайрон бўлган ота-онасины яна бир бор қўриш унга насиб этармикан? Бутун умрими шу ўғлининг камолига бағишлад, унинг баҳти учун кечак-ю кундуз ишлаган, эвазига суд залида баҳтиқаро ота-онага айланган, борлигини, дунёсини шу ўғлига ҳадя этиб, бугун суюнгани асо бўлган ота-онанинг Сулаймонни яна ўн йил кутишга бардошлари, умрлари етармикин?

Сулаймон қўзларига инган иккитомчи ёшни яшириш учун юзини одамлар нигоҳидан олиб қочиб, бошини эгди. Кўз олди зими斯顿га айланди. У кўзини очиши истамас, боиси мана шу зими斯顿лик қаърига сингиб кетишини хоҳлар эди. Аслида ҳаётнинг ўзи ҳам мана шундай қоронгуликдан иборат эканлигини, уана шу зулмат қаърига сингиб яшаганини афсуски, хали англаб етмаган эди. Англай олганида эди, хув тўйнукда тараляётган күёш нурига талпинган бўлар эди. Ҳа, зулмат қаърига нур зиёсини олиб кириш шунчалар кийин. Шундай экан, ҳаётимизни зими斯顿га айлантиришдан на хожат?

Саминжон ҲУСАНЗОДА.

# УРУШНИНГ БОШИДАН СҮНГИ КУНИГАЧА

## БЕШИНЧИ МАҚОЛА

Иккинчи жаҳон уруши даврини ҳикоя қилувчи хужжатли фильмлардаги беш-ўн дақиқалик қирғинбарот жангларни кўриб даҳшатга тушамиз. Осмондан бомба ёғилиб, атрофдан ўқотилиб турувчи ҳолатни тасаввур қилинг. Урушда аскарлар бундай воқеаларни деярли ҳар куни, ҳар дамда кўрганлар. Ана шундай жангларда омон қолиб, ғалаба кунига етиб борган юртдошларимиз кўпчиликни ташкил этади. Урушнинг биринчи кунидан охирги дамларигача кўлидан курол тушмай миллионлаб кишиларнинг озодлиги учун курашганлар ҳамон сафимизда. Улардан бири истеъфодаги генерал-майор Шариф Рустамович Ҳасанбоевдир. У кўшиқда айтилганидек, Европанинг ярмини пиёда босиб ўтган.

Урушда иштирок этганлардан жанг ҳақида ҳикоя қилиб беришни сўрасангиз, "Ийитлик давримдаги воқеалар эсдан чиқиб кетган, хотирамда қолганини айтишга юрак дов бермайди. Бамисоли жаҳаннамга ўхшайди", дейишади. Албатта, қонли жангларни эсга олиш осон эмас. Айниқса, келиб теккан ўқдан жон берган, бомба портлашидан оёқ-кўлсиз бўлиб ётган сафдошини яна бир бор кўз олдига келтиришнинг ўзи даҳшат.

Шариф ака ҳам уруш хотиралари ҳақида гапириши унча хушламайди. Шундай бўлса-да, эшитганларимни ёзишга қарор кильдим.

Мамлакатнинг мудофаа кудратини мустаҳкамлаш мақсадида фуқаролар ҳарбий хизматга чақирилаётган пайтда иккинчи жаҳон уруши бошланади. Мутахассис кадрларни тайёрлаш, босқинчилар хужумига тайёр туриш учун армия сафарбарлиги давом этаётганда Шариф ака Тошкент давлат тиббиёт институтининг биринчи босқичида ўқириди. У шифокор бўлишни орзу қиласиди. Лекин таҳликали даврда эгнига оқ халат эмас, ҳарбий кийим кийишга мажбур бўлди.

У Россиянинг Смоленск шаҳридаги пулемётчилар билим юртида ўқий бошлаганида йигирма ёшли йигит эди. Ўша даврда ҳарбий билим юртларига Ўрта Осиёдан саноқли одамлар қабул қилинарди. Шариф ака ягона ўзбек йигити бўлиб, ўзишни муваффакиятли тутатди.

Белоруссиянинг Могилев вилоятида машқ майдонида эдик, – дейа ҳикоя қиласиди Ш. Ҳасанбоев. – 1941 йилнинг 20 июнь куни машқ майдонида аскарларга амалий машгулот ўтдим. Эртасига тонгда тревога берилди. Уруш бошланибди. У пайтда мен рота сардори эдим. 21 июнь куни ёк душманга биринчи зарбани берганимиз.

Бу айтишгагина осон. Тиш-тирногигача қуролланган босқинчиларга биринчи бўлиб рўбарў келишни тасаввур қилинг. Шу пайтгача ўқиш, машқ

қилишдан нарига ўтмаган аскарларга ҳарбий тактикани ўргатиб, душманга қарши жангга кирган Шариф ака рақибга биринчилардан бўлиб зарба берганлардан бўлган.

– Мадад етиб келгунicha Могилев шаҳрини мудофаа қилиб туриш лозим бўлганди, – деди Шариф ака. – А-

дастурда йигитлар ҳарбий техникани ишлатиш сирларини ўрганиб, фронтга жўнарди. Шариф ака айнан ўқиши тутатганларни жанг майдонига олиб келиб, сардорлаға топширади.

Саломатлиги тўла тиклангач, яна фронтга қайтди. Украинанинг бир қатор шаҳарларини босқичлардан



си билан келган. Аввалига Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводида ишлади. Кейин туман, шаҳар миқёсида партия идораларида хизмат қилди.

Гоҳида ички ишлар идораларининг айрим раҳбарлари ҳақида салбий гаплар эшишиб қолсан, ҳаётимдан ўша ходим ишни Шариф

акадан ўрганиб кетса бўларкан, деган фикр ўтади. Раҳбар одам қўл остидагиларга ўзи ўrnak бўлиши керак. Бу борада Шариф Рустамовичдан ҳар қанча ўрганса арзиди. Ҳақиқий ҳарбий одам интизомни жуда ёқтиради ва қадрлайди. Республика Ички ишлар вазири нинг ўринbosari бўлиб ишлаганида ходимлардан энг аввал интизомни талаб қиласиди. Ҳамма лоқайдлик, ишга масъулиятсизлик аввало, ходимнинг интизомсизлигидан келиб чиқади, деган шиори бор. Бунга ҳозир ҳам амал қиласиди. Бекор ўтириши хоҳламайдиган бу инсон, тез-тез Фахрийлар кенгашига келиб, ёзув-чизув ишларини ўйига олиб кетади. У кишини аяб қийналиб қоласиз, десак, – ҳамма қийинчилкларни босиб ўтиб бўлдим, энди бу ёғига ишласамроҳат қиласан, – дейдилар кулимсираб.

Шу йил кузда табаррук саксон беш ёшни қаршилайдиган бу ажойиб инсон ҳақида кўп ёзиш мумкин. Ҳар кимга ҳам ана шу ёш, кучайратни тилайман.

**Фоуржон РАҲИМОВ,**

истеъфодаги генерал-майор.  
Суратда: истеъфодаги генерал-майорлар Шариф Ҳасанбоев (унгдан иккинчи) ва Нематжон Ибрагимов ёши ходимлар билан сұхбатлашишмоқда.



карларимизда тажриба кам. Босқинчилар эса роса тайёргарлик кўришган. Гарчи куч жиҳатдайн камчилик бўлсак-да, душманни ўтказиб юбормасликка ҳаракат қилганимиз. Тезда полкларга, дивизияларга бирлашдик. Пулемётчилар полкида ротага сардор этиб тайинлашди.

Урушда чекиниш мағлуб бўлди, дегани эмас, албатта. Дастребки йиллар душман қўли баланд келди. Кўплаб шаҳар, қишлоқлар ташлаб чиқиб кетилди. Бу орада куч-куват тўплаш, яъни, ҳарбий техникани кўпайтириш, аскарлар тажрибасини ошириш зарур эди.

Шариф ака жангларнинг бирида яраланиб госпиталга тушади. Унинг етуқ мутахассис эканини ҳисобга олиб фронт ичкарисига юборишиди. Пулемётчилар курсида аскарларга машгулот ўтади. Қисқартирилган

озод қилишда иштирок этди.

– Ғалаба куни Прага шаҳри яқинидаги ўрмонда эдик, – дейа хотирлайди Ш. Ҳасанбоев. – Мени полк сардорининг ўринbosari сифатида қўмандонлиқдаги йигилишга чақиришди. Барча сардорлар кетган. Мен аскарлар ётган жойларни айланиб чиқаётган эдим. Рация сайраб қолди. Уруш тугабди, душман таслим бўлибди. Сардорлар хушабарни етказиб келмасданоқ биз билиб бўлдик. Аскарлар бир-бирларини кучоқлар, кўзларида ёш. Омон қолганларидан хурсанд эдилар. Бири ота-онамни кўрадиган бўлдим деса, иккинчи болаларимнинг баҳтига омон қолдим, дейди. Ғалаба куни ҳаётимдаги энг баҳти кунлардан бири бўлган.

Шариф Рустамович ички ишлар хизматига юқори ташкилотларнинг йўлланма-

**МУАЛЛИФДАН:** Хотира ва Қадрлаш куни баҳонасида айрим юртдош ҳамда сафдошларимизнинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироклари ҳақида билғанларимни қисқача ёзишга ҳаракат қилдим. Фронтда душман билан бўлган жангларда мардлик, қаҳрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатган юртдошларимиз кўпчиликни ташкил этади. Айни кунларда сафимизни тўлдириб юрган, ҳалқ тили билан айтганда, "Фронтовик"лар ҳақида ҳар қанча ёзса арзиди. Уларнинг жасорати, мардлиги боис ҳам душман тор-мор қилиниб, мана шундай озод кунларга етиб келдик. Шунинг учун ҳам улар олдида қўлимишни кўксимишга қўямиз. Урушнинг суронли дамларини кўрган, фронт ортида Фидокорона меҳнат қилган заҳматкашлардан доимо қарздормиз. Уларнинг ҳаёт йўли, хизмат фаолиятини ҳар қанча ўрганиш мумкин. Номлари тилга олинмай қолган фахрийлар ҳақида яна қофоз қоралаш ниятимиз бор.

Ҳадемай бутун ер юзидағи тинчликсевар кишилар иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 60 йиллигини нишонлайди. Республика Ички ишлар вазирилиги Фахрийлар кенгаши номидан барча фахрийларни, ички ишлар ходимларини ушбу кутлуғ кун билан самимий табриклайман. Отакону онахонлар яна кўп йиллар фарзандлари, шогирдлари, сафдошлари баҳтига омон бўлиб, даврамизни тўлдириб юришларини Яратгандан сўрайман.

# ХУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА



E-mail: urmvd@globalnet.uz



Тел.: 54-37-91

Хурматли муштариylар! "Хуқуқий маслаҳатхона" саҳифасидан ўрин олаётган ма-  
териалларнинг таъсиричанини ошириш, хуқуқий масалаларни атрофлича ёритиш  
учун мавзуларни янада бойитишига қарор килдик. Шу мақсадда республика Ички иш-  
лар вазирлиги тизимида хизматлар ва вилоят ИИБлари масъул раҳбарларининг  
чикишлари ҳам ташкил этилди. Ўзингизни қизитирган барча масалалар бўйича бе-  
малол мурожаат қилишингиз мумкин. Сизни ишонтириб айтамизки, хеч бир саволин-  
гиз жавобсиз колмайди.

**"Ишхонада хўжалик мудири бўлиб ишлаганим учун жихозларга жавобгарлик менинг зиммамда эди. Ишдан бўшаётганимда битта радиоаппаратура йўқлиги маълум бўлди. Раҳбар фуқаролик паспортини олиб кўйиб, то етишмовчиликни бартараф этмагунимча бермаслигини айтди. Айтинг-чи, фуқаролик паспортини кимлар ва қандай ҳолатларда олиб кўйишга хақли?"**

**С. БЕРДИЁРОВ,**  
Урганч шаҳри.

Ушбу саволга жавоб беришни Хоразм вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари, подполковник Б. Раҳимовдан илтимос килдик.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги Фармонига биноан эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисида"-ги Низомнинг 22-23 бандларига асосан қамоққа олинган, шунингдек, озодликдан маҳрум қилишга хукм қилинган шахсларнинг паспортлари суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки суд томонидан олиб кўйилади. Улар қамоқдан озод қилингач ёки жазони ўтаб бўлганларидан сўнг яна қайтарилади. Бундан бошқа ҳолатларда ҳар қандай мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортини олиб кўйиш, гаровга олиш ёки уни бошқа мажбуриятларни таъминлаш мақсадида олиб қолиш тақиқланади. Фуқаролик паспортини қонунсиз олиб кўйган мансабдор шахс Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 223-моддасига кўра маъмурий жавобгарлика тортилади.

**"Фуқаронинг Ўзбекистон Республикаси худудига депортация қилинганини ва шу худудда маҳсус кўчириб жойлаштириш хисобида турганлигини тасдиқлайдиган архив маълумотномасини олиш учун қаерга ва қандай тартибда мурожаат қилиш керак?"**

**С. ОДИЛОВ,**  
Тошкент шаҳри.

Мазкур савол юзасидан республика ИИБ Ахборот маркази бошлиги, полковник Ш. Миртурсуновдан олинган жавобда айтилишича, фуқаронинг республика миз худудига депортация қилинганини ва шу худудда маҳсус кўчириб жойлаш-

тириш хисобида турганлигини тасдиқлаш учун ички ишлар идораларига ёзма ариза орқали мурожаат қилинади. Аризада депортация қилинган шахсларнинг тўлиқ анкета маълумотлари: фамилияси (қизлик фамилияси), исми, отасининг исми, туғилган йили ва жойи, қаердан қаерга депортация қилинганини ҳамда биргалиқда депортация қилинган яқин қариндошлари, яъни отаси, онаси (қизлик фамилияси), акаси, опалари ҳақида тўлиқ маълумотлар кўрсатилади. Шунингдек, уларнинг ўша даврда маҳсус комендантуруларда қандай ном (фамилия, исм, отасининг исми) билан рўйхатда бўлганларни кўрсатилса, архив маълумотларини олиш жараёни тезлашади. Маълумот тариқасида шуни маълум қиласманки, ички ишлар идораларида фақат маҳсус кўчириб жойлаштириш хисобида бўлиб, ҳар ойда маҳсус комендантура қайдномасидан ўтиб турган шахсларга доир маълумотлар сакланиб қолинган.

**"Жиноятга тайёргарлик кўриш деганда нима тушунилади?"**

**О. ҚОРАБОЕВ,**  
академик лицей ўқувчиси.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 25-моддаси, 1-қисмида жиноятга тайёргарлик кўриш тушунчасига изоҳ берилган бўлиб, унга кўра, шахснинг қасддан қилинадиган жиноятни содир этиш ёки яшириш учун шарт-шароит яратувчи қилимиши ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра содир этилиши бошлангунга қадар тўхтатилган бўлса, бундай қилмиш жиноятга тайёргарлик кўриш деб топилади. Мазкур жиноятни содир этиш босқичида жиноий қасдни амалга ошириш бошланиб, у қасднинг шаклланиши даврида юзага келади. Пировардида шахс муайян ҳаракатларни қилишга киришади ёки аксинча, ўзига юклатилган вазифани бажаришдан тўхтайди (ҳаракатсизлик). Бу, ўз навбатида, жиноятни содир этиш ёки уни кейинчалик яшириш учун муайян шарт-шароитлар яратади.

**"Ҳарбий хизматдан бўйин товлаш ҳар қандай замонда жазоланиб келинган. Бунга уринганлар учун мамлакатимиизда**

**қандай чоралар кўрилади? Шу ҳақда билмоқчи эдим."**

**Т. МИРЗАЛИЕВ,**  
Тошкент туманинг Гултепа маҳалласи оқсоқоли.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 288-моддасида белгилаб кўйилган. Унга кўра дезертирлик, яъни ҳарбий хизматдан бутунлай бўйин товлаш мақсадида ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, шунингдек, шу мақсадда хизмат жойига етиб келмаслик - беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ўша қилимиши офицерлар таркибидан бўлган шахс, ҳарбий хизматни шартнома бўйича ўтаётган ҳарбий хизматни содир этса беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилинади.

**"Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ва айни пайтда Ички ишлар вазирлиги тизимида хизмат қилаётган ходимлар ўзи тугилиб ўсан кўшини республикада меҳнат таътилини ўтказишлари мумкини?"**

**В. ЭГАМБЕРДИЕВ,**  
оддий аскар.

Тошкент вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари, полковник Р. Акбаров:

- Бунинг учун ички ишлар ходими ушбу масала юзасидан ИИБ бошлиги номига билдириги орқали мурожаат қилиши лозим. Ушбу билдириги шахсий таркиб билан ишлаш хизмати томонидан ўрнатилган тартибида ўрганиб чиқилиб, хулоса тайёрланади. Хулоса берилгандан сўнг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига чиқиш визаси олиш учун мурожаат этилади. Шу тариқа меҳнат таътили сўралган жойда ўтказилиши мумкин.

